O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 11 апрел • № 15 (3698)

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Ҳар йили Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кунни кенг нишонлаш мамлакатимизда мустақиллик йиллари шаклланган яхши анъанага айланди. 9 апрел куни пойтахт марказидаги буюк бобокалонимиз номи билан аталган хиёбон илм-фан, санъат намояндалари, ижодкорлар, фахрийлар ва талабалар билан гавжум бўлди. Улуғ саркарда таваллудининг 667 йиллигига бағишланган кенг жамоатчилик иштирокидаги тадбирни Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очди.

Президентимиз раҳнамолигида Соҳибқироннинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва ролини чуқур ўрганиш, унинг маънавий меросидан халқимизни баҳраманд этиш йўлида амалга оширилган ишлар кўлами ниҳоятда катта. Амир Темурнинг 660 йиллиги жаҳон миқёсида кенг нишонлангани, пойтахтда Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилгани, қадимий шаҳарларимизда Соҳибқироннинг ҳайкаллари қад ростлагани, шунингдек, Темурийлар тарихи билан боғлиқ нодир манбалар ўрганилиб, нашр этилаётгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ўз сўзида "Жаҳон тарихида олмосдек ярқираб турган улуғ бобомиз халқимиз даҳосининг беназир тимсолидир, — деди. — Мустақиллик боис буюк Темурнинг порлоқ сиймоси унинг ўз Ватанида нур соча бошлади. Бобомизнинг ўктам руҳи ҳаммамизга мададкор бўлсин". Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Тошкент давлат юридик институти талабаси Мўътабар Ҳусанова ва бошқалар Соҳибқирон фаолиятининг ўлмас ибратлари ҳақида сўзлаб, улуғ бобомизнинг ўгитлари, бетимсол маънавий мероси миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашда, халқимиз фаровонлигини таъминлашда дастуриламал бўлишини алоҳида таъкидладилар.

Тантана иштирокчилари улуғ Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Абдураҳмонов иштирок этди.

* * *

Темурийлар тарихи давлат музейида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг истиқлол йилларида ўрганилишига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди. Анжуманда сўзга чиққан музей директори Нозим Ҳабибуллаев, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, таниқли олимлар — Омонулла Бўриев, Ашраф Аҳмедов, Убайдулла Уватов, Ғулом Карим, Муборак Юнусхўжаева ва бошқа тадқиқотчилар Амир Темур даври маънавияти, Соҳибқирон дипломатиясига доир ранг-баранг мавзуларда маъруза қилдилар.

Анжуманни Амир Темур номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси Муҳаммад Али бошқарди.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ёзувчилар уюшмасида

ИНСОН ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, адабиёт ҳам доим ҳаракатда, ривожланишда. Бу ҳодисани ўзбек насрининг янги асрдаги тараққиётида ҳам кўриш мумкин.

— Кейинги ўн-ўн беш йил ичида ўзбек романчилигида сезиларли изланишлар рўй бермоқда, — деди адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Абдуғафур Расулов Ёзувчилар уюшмасида Бадиий наср кенгашининг 8 апрелда ўтказилган анъанавий йиллик муҳокамасида. — "Лолазор", "Отамдан қолган далалар", "Бобурийнома", "Тепаликдаги харобa" асарларининг ўз услуби бор. Онг оқими намунаси сифатида "Капалаклар ўйини", "Мавҳумот", "Фано даштидаги қуш" сингари романлар пайдо бўлди. 2002 йили Саъдулла Сиёевнинг "Яссавийнинг сўнгги сафари", Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат", Ражаббой Рауповнинг "Устун" романлари чоп этилди. "Жаҳон адабиёти" журналида Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи босилди. Ўтган йили Олимжон Холдорнинг уч жилддан иборат "Сайланма"си ҳам нашрдан чиққан. Ундан "Миркомилбой", "Аросат", "Андижонликлар" каби асарлар ўрин олган...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Демак, бугун адабий жараён суръати тезлашган деб айтсак, муболаға бўлмайди...

Олим бир неча романларнинг тарихий, фалсафий жиҳатларини таҳлил этар экан, "Миркомилбой", "Мувозанат" асарлари хусусида ҳам тўхталди:

— "Миркомилбой" — ихчамгина асар. Аммо ундаги тарихий далиллар бадиийликка йўғрилмаган. Китобхон Миркомилбой тўққиз ака-уканинг бири экани, унинг тўрт хотини, тўрт ўғли, тўрт қизи борлигини билиб олади. Бойнинг беш фабрика, олти завод, юзлаб дўкони, шоли экиладиган катта ери, енгил машинаси, икки миллиондан ортиқ нақд пули борлиги айтилади... Китобхон унинг моддий бақувватлигини билади, лекин бойнинг руҳий-маънавий дунёси етарлича очилмаган. "Мувозанат" романи ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу — 2002 йилнинг довруқли асари эканини тан олиш керак. "Мувозанат" — тирик, жўшқин асар. У кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлди...

Адабиётшунос олим Абдулла Улуғов Шойим Бўтаевнинг "Шоҳона совға", Нормурод Норқобиловнинг "Овул оралаган бўри", Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Отчопар", Исмоил Шомуродовнинг "Икки изқувар", Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жим ўтирган одам", Зулфия Қуролбой қизининг "Муҳаббат ва нафрат", Эшқобил Шукурнинг "Қўриқхонада" каби газета-журналларда эълон қилинган қисса ва ҳикояларини таҳлил қилар экан, бу асарлар ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Шундан сўнг маърузалар юзасидан мунозара бўлди.

— Маърузаларда яхши гаплар айтилди, таҳлил ишонарли бўлди. Бироқ бу усул танқидчиликда қолиб кетганда, — дея фикр билдирди таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов. — Назаримда, танқидий руҳ айтарли сезилмади... "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эътиборга лойиқ асарлар эълон қилинаяпти. Абдуқаюм Йўлдошевнинг "Алвидо, гўзаллик" ҳикоясини олайлик. Ҳикояда катта фалсафа бор. Собир Ўнарнинг "Тарвуз" ҳикоясидаги фожеа эса драмага арзийди. Эшқобил Шукурнинг "Пул санаётган одам" ҳикоясида модерннинг реализмга қоришиб кетганини кўрасиз. Нормурод Норқобиловнинг "Қуёш тутилган кун" ҳикояси ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди...

— Маърузаларда тараққиёт мезонига эътибор берилмади, — дейди адабиётшунос олим Норбой Худойберганов. — Ёзувчилик оммавийлашди. Хоҳлаган одам ёзаверадиган бўлди. Ахир, ижодкор кашф этувчи бўлиши керак-ку!..

Муҳокамада Сирожиддин Саййид, Омон Мухтор, Жонрид Абдуллахонов ва бошқа ижодкорлар ҳам сўзга чиқиб, бугунги насримизнинг ютуқ ва камчиликлари, китобхонлик, китобхон маънавияти, китоб нашри муаммолари хусусида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишни Ёзувчилар уюшмаси Бадиий наср кенгаши раиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

Маяғўзал ЧОРИЕВА

АДИБ ХОТИРАСИ

XX аср ўзбек адабиётининг улуғ намояндаси Абдулла Қодирий номини миллионлаб китобхонлар катта эҳтиром билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Яратилганига яқинда саксон йил тўладиган "Ўткан кунлар" романи ва бошқа кўплаб асарлари бадиий баркамоллиги билан адиб номини мангуликка дахлдор этиб келаётир. Миллионлаб китобхонларнинг энг севимли асарларидан бирига айланган "Ўткан кунлар" кириб бормаган ўзбек хонадони топилмайди. Саксон йилдан буён ўз ижодкори номини шарафлаб келаётган бу асар ҳамон севиб ўқилиб, баҳс-мунозаралар ва катта-кичик тадқиқотларга мавзу бўлаётир.

10 апрел куни улуғ ёзувчи таваллудининг 109 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган кўплаб тадбирларда шу ҳақда фикр юритилди. Улуғ адиб хотирасига эҳтиром тадбирлари ерталаб пойтахтнинг "Камолон" қабристонидан бошланди. Бу зиёратгоҳдаги Қодирийлар авлоди дафн этилган жойга ёзувчи мухлислари, ижодкорлар, талабалар ташриф буюрдилар. Улар адибнинг рамзий қабрига гуллар қўйишиб, буюк ижодкорнинг ўлмас асарлари, севимли қаҳрамонларини эсга олдилар. "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукрулло, адабиётшунос олим Собир Мирвалиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, шоир Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар адиб ижодий меросини ўрганиш, Абдулла Қодирийнинг ижодий сабоқлари, Ватан озодлиги йўлида курашган бобомизнинг бугунги авлодларга ибрати ҳақида сўзладилар.

Улуғ адиб номи билан аталаётган Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтида эса ёзувчининг хотира кечаси ўтказилди.

ШЕЪР БАЙРАМИ

Чин шеърий китоб — ўзига хос адабиёт байрами, гўзаллик байрамидир. Фикрчан шоир Эшқобил Шукурнинг "Ҳамал айвони" мажмуаси нафис сўз мухлислари учун ана шундай байрам бўлди. Ўтган жума куни Ёзувчилар уюшмасидаги тақдимот маросимида устоз ва сафдош қаламкашлар шу ҳақда тўлқинланиб сўзладилар, шоирнинг ижодий ютуқларини чин дилдан эътироф этдилар.

— Эшқобил бошқача шоир, — деди ёзувчи Эркин Аъзам. — Исми жисмига мос ижодкор. Яқинда унинг "Пул санаётган одам" ҳикоясини ўқидим. Шунда унинг ёзувчилик маҳорати ҳам кўринди...

Шеър — кўнгил мулки. Эшқобил Шукурнинг "Ҳамал айвони" китоби ҳам шеър мухлисларининг қалб мулкига айланишига тилакдошмиз.

Нилуфар САФО

"ДЕВОНУ ЛУҒАТ-ИТ ТУРК" ҚАЙТА НАШР ЭТИЛАДИМИ?

"Девону луғат-ит турк" аллома Солиҳ Муталлибов томонидан таржима қилиниб нашр этилганига қирқ йил тўлди. Асарнинг асосий адади ўша йиллари, яъни 1963 йилиёқ Москва, Санкт-Петербург туркшунослари ва бошқа туркий республикалар олимларига етиб борган эди. Унинг қолган нусхалари ҳам китоб дўконларида кўп турмади. Ҳозир у нодир ёдгорлик бўлиб қолди. Тўғри, кейинги йиллари "Девон" қадимги араб тилидан инглиз, уйғур, қозоқ, форс тилларига таржима қилинди. Аммо эҳтиёж ўша-ўша. Республикамизда ҳам асарга бўлган эҳтиёж тобора кучайиб бормоқда. Сабаби аён: Маҳмуд Қошғарий асарида бундан минг йил аввал туркий қабила ва элатларнинг тили, тарихи, урф-одатлари, географияси, адабиёти бўйича ноёб маълумотлар тўпланган. Академик В.В.Бартолд бу маълумотлар олим томонидан қишлоқма-қишлоқ юриб ёзиб олингани учун уни тенги йўқ асар деб ҳисоблаган эди.

Мустақиллик йиллари мафкура соҳасидаги туб ўзгаришлар туфайли тарихимизни янгидан, тўғри талқин эта бошладик. Бу "Девон"га бўлган қизиқишни янада кучайтирди. Шу сабабли уни қайта нашр қилиш зарурати туғилди. Инчинун, кейинги йиллардаги тадқиқотлар "Девон"даги кўплаб сўзларни тузатиб, тўғрилаб ёзиш лозимлигини кўрсатмоқда. Халқимиз ичида Маҳмуд Қошғарийнинг руҳи покини хурсанд қилувчи, савобталаб, миллатпарвар борми? Албатта, бор! Демак, "Девону луғат-ит турк"нинг янги, фаннинг бугунги талабларига тўла жавоб берадиган нашрини умид билан кутамиз!

Эргаш УМАРОВ

ИЖОДИЙ КЕЧА

Сурхондарёлик таниқли шоир Шафоат Раҳматулла Термизий олтмиш ёшга тўлди. Шу муносабат билан Термиз давлат университетида ижодий кеча бўлди. Уни мазкур университет ректори, профессор Хидирназар Аллақулов очиб, шоирнинг ижодкорлик ва педагоглик фаолияти ҳақида сўзлади. Шу ўқув даргоҳида кўп йиллар профессорлик қилган Холмирза Холиёров Шафоат Раҳматулланинг ижодий йўли тўғрисида маъруза қилди.

Ижодий кечада мамлакат пойтахтидан ҳам бир гуруҳ ижодкорлар қатнашдилар. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ўз сўзида бундай учрашувлар ҳамиша адабиётимиз ва маърифатимизнинг катта байрамига айланишини таъкидлади. Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим Шафоат Раҳматулла ижодининг фазилатлари ҳақида сўзлар экан, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ўтган сонида эълон қилинган "Дўстим — чироғим" сарлавҳали хатини ўқиб берди.

Шоирлар — Сирожиддин Саййид, Эшқобил Шукур, Рустам Мусурмон, термизлик адабиётшунос олимлар, жамоатчилик вакиллари ҳам Шафоат Раҳматулла ижодига хос хусусиятлар ҳақида фикр юритдилар. Вилоят ҳокимининг матбуот котиби Рамазон Ашуров Шафоат Раҳматуллани вилоят ҳокими номидан қутлади.

Ижодий кеча шоирлар ва талабалар, термизлик ижодкорларнинг ўзига хос мушоарасига айланди.

БУГУН Термиз давлат университетида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан ижодий учрашув бўлади.

"МЕНДАН МЕНИ СЎРАМА"

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова 10-24 апрел кунлари ўтадиган якка хонанда сифатидаги концертида яна ўз мухлисларини хушнуд этади. "Халқлар дўстлиги" саройида бўладиган мазкур концертда хонанданинг йигирмага яқин янги қўшиқлари янграйди. Дастурни тайёрлашда Ю.Усмоновага Ўзбекистон халқ артисти Абдурашид Шарипов ва балетмейстер Равшаной Шарипова ҳамкорлик қилдилар. Шунингдек, 300дан зиёд ижодий ва техник ходимлар концерт дастурини саҳнага олиб чиқишда қатнашадилар. Бу сафарги дастур "Мендан мени сўрама" деб номланган.

Миллий матбуот марказида Юлдуз Усмонова иштирокида ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда фикр юритилди. Хонанда оммавий ахборот воситалари ходимларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Кеча "Халқлар дўстлиги" саройида Ю.Усмонова қўшиқлари асосида яратилган рангтасвир асарлари кўргазмаси бўлди. "Умр нима?.." деб номланган мазкур кўргазма рассом Рустам Эрматов асарлари асосида ташкил этилди. Портрет, натюрморт, манзара жанрларидаги асарлари билан мухлислар эътиборига сазовор бўлган рассом сўнгги йилларда Юлдуз Усмонованинг айрим қўшиқлари руҳида ижод қилиб қўшиқчининг тасвирий қиёфасини яратишга муваффақ бўлди. "Р.Эрматов қўшиқларга баёний иллюстратив расмлар чизиш билан чекланиб қолмай, балки уларни ўз фикри, янгича ифодавий усуллар билан бойитишга ҳаракат қилган", — дейди профессор Тилаб Маҳмудов.

Г.УМАРОВА

КУЮНЧАК ГАЗЕТЖОН ЁЗАДИ

Ҳозирги кунда таниқли эстрада хонандаларини кинога таклиф қилиш урф бўлаяпти. Улар иштирокида бир нечта видеофилмлар ҳам яратилди. Кимлардир қўшиқчиларнинг кинода рол ўйнашини маъқулласа, баъзи бировлар "Ҳофиз қўшиғини айтсин, актёрлик унинг иши эмас", дейди. Очиғи, кейинги фикр тарафдорлари кўпчиликни ташкил қилади. Аслини олганда Мадонна, Уитни Хюстон, Адриано Челентано каби бутун дунё танийдиган юлдузларни нафақат қўшиқлари, балки филмларда ижро этган роллари орқали ҳам таниймиз. Улар бу соҳада яхшигина ютуқларга эришишган. Санъаткорнинг бир нечта санъат турларидан хабардор бўлиши улар истеъдодининг бошқа қирралари очилишига ҳам ёрдам беради. Масалан, замонавий қўшиқларни ҳозир видеоклипсиз тасаввур қилиш қийин. Уч-тўрт дақиқалик клипнинг ўзи митти кино мат" видеофилмини олайлик. Очиғи, бу филмни кўриб, баъзи яхшигина хонандаларимиздан ди-

ХОНАНДА КИНОДА?..

дегани. Унда хонанданинг ўзи рол ўйнаса янаям қизиқарли бўлади.

Яна бир гап. Мусиқий драма театрларида актёрлардан баланд овоз, қўшиқ айта олиш қобилияти ҳам талаб қилинади. Нега энди хонандалардан актёрлик маҳоратини талаб қилиш мумкин эмас. Актёрлик, ракс, қўшиқчилик — буларнинг ҳаммаси санъатнинг таркибий қисмлари, уларни бирбиридан ажратиб бўлмайди. Лекин буни суиистеъмол қилиш ҳам ярамайди. Масалан, яқиндагина мухлисларга ҳавола этилган "Беш қисмат" видеофилмини олайлик. Очиғи, бу филмни кўриб, баъзи яхшигина хонандаларимиздан дилимиз ранжиди. Чунки Собир Мўминов, Жаҳонгир Отажонов, Отабек Мадраҳимов каби хонандаларнинг, ҳатто, филмда суратга тушган актёрларнинг ҳам ижросида бачаналик яққол кўзга ташланиб турибди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ҳам ўхшамай қолган. Албатта, шундай филмни кўрган томошабин хонанда ўзининг ишини қилиши керак, дейди-да. Шундай гапга ўрин қолдирмаслик учун ижро профессионал даражада бўлиши зарур.

Маҳбуба ТЕМИРОВА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати 2003 — 2004 ўқув йилига 1996 йили туғилган иқтидорли ўғил ва қиз болаларни тасвирий санъат ва мусиқа бўлимларига ўқишга қабул қилади.

Қолган синфларнинг бўш ўринларига мутахассислиги бўйича тайёргарлиги ва қобилияти бор ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.

Аризалар 2003 йил 1 майдан қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700152 Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, 22-мавзе, 1А уй 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182-автобуслар, 12, 13-троллейбусларнинг сўнгги бекати. Телефонлар: 74-92-21; 74-96-44

ЮМОР СЕҲРИ

АКС-САДО

"Кулки — зар, кўчада ётмас, азизим", дейди буюк Гёте "Фауст"да.

Севимли газетамизнинг ўтган сонида машҳур публицист Аҳмад Оғанинг "Доғда қолдириш санъати ёхуд асарнинг ўзига ўхшаган тақриз" мақоласини мароқ билан, ўрни-ўрнида ғайриихтиёрий қаҳқаҳа билан ўқиб чиқдим ва бир нарсага амин бўлдим: жиддий тил, осилган қовоқ билан айтиш мумкин бўлмаган гапни юмор билан, кулги йўсинида айтиш, айтганда ҳам қойилмақом қилиб айтиш мумкин экан.

Мақола ҳазил тариқасида (1 апрел ахир!) ёзилгани ва у таги зил ҳазиллардан экани, ёзувчи Дадахон Нурийнинг "Бойсун жунгиларидан Канди ўрмонларигача" китобидаги "қовун туширилган" ўринлар ўта нозиклик билан чимчиб олингани накд гап. Лекин ҳали китобни ўқиш бахтига ноил бўлмаган китобхон сифатида самимий айтишим мумкинки, асар ҳақида "ўзига ўхшаган тақриз"ни ўқиб китобга қизиқишим ўн чандон ортди. Шундай аломат тақризга ҳаёт бахш этган асарнинг ўзи қандай бўлди экан?

Кичик ҳаётий тажрибамдан биламанки, юморга тушуниб-чидайдиган, хатти-ҳаракати беғубор кулгига сабаб бўлгувчи адибнинг асарига эътибор ошар экан. Кўпчиликнинг кўнглидан "қовун туширсада, чиройли қовун туширади-да, қур(ма)ғур" деган фикр ўтади, шекилли-да.

Тақриз ёзилишга сабаб бўлган, Аҳмад Оғани қитиқлаган "ғаройибот"лар ўз ҳолича гўзал ва мароқли. Ҳатто китобда учрайдиган имловий, услубий хатолар ҳам. Шу туфайли, тақризда айтилган ушбу гапга ишонмоқ лозим: "Лекин тан олиб айтай — нима бўлганда ҳам, адабиётимиз ўқиладиган яна битта китобга бойигани факт. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди".

Гап сўнгида кичкина таклиф. Китобнинг кейинги нашрида "Доғда қолдириш маҳорати..." асарга сўнгсўз тарзида илова қилинса яхши бўлармиди. Асарни ўқиб чиққан китобхон тақризни (энди у китобнинг узвий қисми) ўқиб мароқланса ва икки асарни қайта солиштириб яна бир марта ҳузур қилса. Лекин, бу ёғи ёзувчининг бағрикенглигию, юмористик саботига боғлиқ.

Ҳуллас, беғубор нозик кулги, зарофат яхши-да!

Сувон МЕЛИ

ДОНИЙ ҲАМРОҲ

Шукрулло. Оғир кунлар севинчи. — Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.

Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг "Оғир кунлар севинчи" номли янги китобидан оқсоқол адибнинг ўтган йиллар хотиралари ва замонавий турмушга доир ҳаётий мулоҳазалари ўрин олган. "Ушбу китобдаги мен ва рафиқамнинг бошдан кечирганлари билан танишган ўқувчилар мен айтиб бермасимданоқ ўзлари оғир кунларда қувонч бўлишнинг сабабларини илғаб олишларига имоним комил", деб ёзади муаллиф сўзбошида.

Китобнинг "Буюклар гурунгида" деб номланган қисмида Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Қайсин Қулиев, Чингиз Айтматов каби атоқли адиблар ҳақидаги мақолалар жамланган.

Абдул-Қодир. Ишқим чечаклари. — Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.

Абдуқодир Ҳайитметов — таниқли навоийшунос. У кишининг тадқиқотлари наинки олим ва талабалар, балки халқимиз томонидан севиб ўқилади. Шеър шайдоси А.Ҳайитметовнинг "Ишқим чечаклари" тўпламидан кўп йиллар ичида ижод этган инжа шеърлари, манзумалари ва таржималари ўрин олган.

Сирожиддин Саййид. Устимиздан ўтган ойлар. — Т.: "Чўлпон" нашриёти, 2003.

Сирожиддин Саййиднинг янги тўплами Ватан, муҳаббат, ҳаёту тириклик ҳақидаги шеърларидан тартиб берилган. Шоир бу китобдаги асарларда ҳам ўз йўлига, овозига содиқ қолади. Китоб беш бўлимдан иборат. "Ғазал ҳоваси" бўлимида шоирнинг аруз вазнида — мумтоз шеъриятимиз йўлидаги машқлари билан танишасиз.

МУЛОҲАЗАГА АРЗИГУЛИК МАВЗУ

АКС-САДО

Газетанинг шу йил 7 март сонида Миллий театрда қўйилган "Муқаддас Тахти зар" спектаклига билдирилган икки фикрни ўқиб, қўлга қалам олдим. Ҳафиз Абдусаматов асарнинг мазмуни ва ғоясига кенг тўхталиб ўтган бўлса, Муяссар Мақсудова асосан режиссура ва ижрога эътиборни қаратган.

Шу ўринда бир нарсани очиқ айтиш керак: спектакл анча зерикарли. Ҳ.Абдусаматов айтганларидек, унда "Спитамен тақдирини ҳақиқатга яқинлаштириб бериш мумкин эди". Биз кичик саҳналар орасида ҳам узвий боғланишни кўрмадик. Айтайлик, биринчи кўринишда қалби муҳаббатга тўла икки ёшнинг бир-бирига севги изҳорини эшитамиз-у, кейинги саҳналарда бу мавзу деярли йўқолиб кетади. Спектаклда Спитаменнинг қаҳрамонлигию муҳаббати четда қолиб, Искандарнинг қайсарлиги, ботирлиги олдинги ўринга чиқиб кетган. Жанг лавҳаларида кулгили ҳолатлар юзага келиб, ишончсизлик туғдиради. Ваҳоланки, у замонавийлаштирилиб, ваҳимали мусиқа остида ўйин-жанг майдони ҳосил қилинса бўларди. Ёки Зоронинг ўйинига ҳам бир неча қизларни қўшиб, рақсга бой кўриниш яратиш мумкин эди. Ана шунда зерикарли монологлар ўрнини замонавийлаштирилган рақсли жанг саҳналари тўлдириб юборарди.

М.Мақсудова жуда тўғри таъкидлаганидек, баландпарвоз гаплар актёрлар сўзлашувининг бир хиллигига сабаб бўлган. Ҳаттоки масхараомуз ёки ёвузона қулишларнинг ҳам бир-бирига ўхшашлиги томошабиннинг ғашини келтиради.

Агар янги асар саҳналаштирилса, аввало, режиссёри кимлигини суриштираман. Нима учун? Режиссёр асарнинг моҳиятини томошабинга етказиб берувчи шахсдир. Айниқса, тарихий асар саҳнага қўйилаётганида, режиссёр танлаш масаласига алоҳида эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Рассом Бахтиёр Тўраевнинг маҳорати бу спектакл орқали яна бир бор намоён бўлган. Шундай катта декорациянинг орқа планларидан унумли фойдаланилмаган.

Ҳ.Абдусаматов айтиб ўтган камчиликлар, М.Мақсудованинг кескин танқидий фикрлари жуда ўринли ва уларни қайтариб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Биз Миллий театрдан "Ревизор", "Шоҳ Эдип", "Келинлар қўзғолони" каби томошабин кўнглига тегмайдиган, ҳамиша долзарблигини йўқотмайдиган саҳна асарлари кутамиз.

Спитамен ҳақидаги асар ҳам шулар қаторидан ўрин олиши мумкин эди. Фақат бу афсонавий қаҳрамон тарихини пухта ўрганиш ва саҳнада ҳаққоний гавдалантириш лозим. Бундай қаҳрамонлар ҳақида ҳамма замонлар учун хизмат қилишга қодир бўлган бадиий баркамол саҳна асарлари яратилиши керак, деб ҳисоблайман.

Саидахон СОТИМХОН қизи, театршунос

ИЖРО ВА ТАЛҚИН

ТЕАТР

Тарихдан маълумки, Боборахим Машраб жуда мураккаб даврда яшаб ижод этган. Шоир замонасида ҳаётда, дин ва сиёсатда тазйиқ кучайган, шафқатсизлик ва адолатсизлик авжга минган бўлиб, улар Машрабни ҳам четлаб ўтмагани ҳақиқат. Шоир берахм замонининг машъум жазоларига гирифтор этилганига қарамай, ҳаётни, тирикликни куйлаган инсон.

Машраб руҳини тушуниш, унинг қалби тубидаги изтироб ва аламларни саҳна санъати орқали кўрсатиш жиддий изланишларни талаб этиши сир эмас. Зеро, Машраблар одамларни яшашнинг сири ва моҳияти хусусида фикрлашга, ҳаёт ҳақиқати ва синоатлари ҳақида мушоҳада юритишга чорлайверади. Машраб каби маънавий камолотга эришган, бироқ қаландарона турмуш кечирган инсонлар ўз тилсимларини ҳаммага ҳам очавермайди. Шу маънода Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида намойиш этилган "На малакман, на фаришта" ("Машраб") спектаклини ўзига хос журъат натижаси дейиш мумкин. Насрулло Қобул асари асосидаги спектаклни Аҳад Пармонов саҳнага қўйган. Мусиқа муаллифи Фарҳод Олимов.

Машраб, аввало, дардли қалб соҳиби. Унинг ҳароратли қалби — руҳий дунёсини саҳнада кўрсатиш, актёрлар ижросида талқин этиш жуда мураккаб жараён. Бинобарин, Машраб руҳиятини ифодалаш учун мусиқали драма жанрининг танлангани жуда тўғри бўлган.

Ижодкорлар Машрабнинг кўпчиликка маълум бўлмаган аҳволидан сўйлаб, жамият ва шахс муаммосини кўтаришга интилганлар. Шу маънода Машраб ҳамда у яшаган давр ўртасидаги қарама-қаршилик ва кураш пиеса матнидаги етакчи йўналишлардан бири ҳисобланади. Лекин, фақат, бу эмас. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Машраб Балх ҳокими Маҳмуд Қатағон амри ва руҳонийларнинг фатвоси билан дорга осилган. Драматург бу тарихий ҳақиқатни билгани ҳолда, ушбу фактнинг янги қирраларини кашф этишга интилади. Ахир, Машраб сингари даҳоларни маҳв этиш осон кечмаган.

Муаллиф Машраб шоир ва Машраб қаландар ўртасидаги уйғунликни идрок этишга интилар экан, қаҳрамон яратиш жараёнида анъанавий талқинлардан қочади. Шу йўл билан Машраб руҳиятидаги қарама-қаршилик ва курашни тушунишга, юрагининг сирли азобларини илғашга ва кўрсатишга ҳаракат қилади.

Машраб образини икки актёр — Мирза Азизов ва Абдуғани Рўзиевлар яратганлар. Ҳар икки талқин ўзига хос. Асосийси, актёрлар шоир қалбидаги юзаки хушбахтлик, илдизсиз қувонч, сохта интилишларга қўникиш ва уларга қарама-қарши курашга чоғланган қалбнинг ҳақиқатини очишга ҳаракат қилганлар.

Мирза Азизов ижросида Машраб ҳаётий иллатларга қарши курашга чоғланган, маслаги ва матлаби анча кучли инсон. Тўғри, ташқи кўринишдаги келбат ва ҳаракатлардаги дадиллик сабаб у тасаввуримиздаги мунис ва мушфиқ Машраб қиёфасига у қадар мос келмагандек. Лекин актёр қўшиқлари ила дардли кўнгилнинг аччиқ нолаларини тўкис намоён эта олган.

Абдуғани Рўзиев образ яратиш жараёнида қаҳрамоннинг руҳий дунёсига чуқурроқ назар ташлайди. Актёр ижросида шоир табиатига хос нозик жиҳатлар яхши илғанган. Шу сабабли унинг ижросидаги Машраб дарвишсифат ва мушфиқ.

Спектаклда Офоқой образи алоҳида меҳр билан ишланган. Бу аёлдаги меҳр ва қаҳр, вафо ва хиёнат, муҳаббат ва нафрат шунчалик омухта бўлиб кетганки, актриса Зулайҳо Бойхонова уларни дард тўла қўшиқлари ила янада тўлдиради. Актриса ижросида бахтсиз аёлнинг аччиқ қисмати тўкис намоён бўлади.

Бастакор Фарҳод Олимовнинг асар руҳига монанд куйлари давр ва қаҳрамонлар ҳолатини очишда яхши восита бўлиш билан бирга, қаҳрамонлар руҳи ва асар воқеаларининг таъсирчанлигини оширган. Яна бир эътиборли жиҳати шуки, рақслар (балетмейстер Шокир Аҳмедов) ҳам ўзига хос маъно ташийди, қаҳрамонлар руҳиятини тўлдирувчи восита бўлган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Бахтиёр Тўраев ишлаган саҳна безаклари ечими, имкониятларининг кўплиги жиҳатдан эътиборли. Ольга Белогужова либослари асарга алоҳида руҳ бағишлаган.

Шу ўринда баъзи бир мулоҳазалар. Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар шоир дардли кўнглининг инъикоси сифатида яхшигина таассурот қолдиради. Бироқ бу қўшиқлар орасида драматург ижоди маҳсули бўлмиш шеърларнинг Машрабникидан фарқ қилаётгани ҳам сезилиб қолган.

Асарда характерлар яхши ишланган. Бироқ мана шу характерлар ҳаракатланадиган реал шароит яхши топилмагани боис, воқеалар ривожида тарқоқлик сезилади. Драма назариётчилари жанр табиатига кўра асар бошида маълум бир тугун тугилиши ва асар ана шу тугунни ечишга йўналтирилган воқеаларнинг ривожи, кульминацияси ва ечимидан иборат бўлиши лозимлиги хусусида кўп гапиришган. Спектакл аввалида шунга интилиш бор. Бу Машрабни Балхда ўлим кутаётгани ҳақидаги хабар билан боғлиқ. Бироқ спектаклда воқеаларни ушлаб, бир-бири билан боғлаб турадиган ўқ томирнинг тарқоқлиги асар воқеаларининг зарурий тезликда ривожланишига монелик қилган. Шунингдек, асарда кескинликни келтириб чиқарувчи воқеалар топилгани ҳолда, улар саҳна ортида содир бўлгани сабаб керак натижага эришилмаган (буни асар жанри талаб этади).

Хуллас, бу спектакл Муқимий номидаги театр жамоаси изланаётганидан яна бир далолатдир.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари номзоди

РЕЖИССЁРЛАР МУЛОҚОТИ

Яқинда пойтахтимизда ҳаваскорлик халқ театрлари режиссёрларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув машғулотлари ўтказилди. Машғулотлар Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти маркази ва "Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирнинг дастлабки куни республикамизнинг турли вилоятларидан келган халқ театрлари режиссёрлари учрашдилар ва марказ раҳбари К.Назармуҳамедов суҳбатини тингладилар. Марказ раҳбари ўринбосари Ў.Тоҳиров юртимизда фаолият кўрсатаётган халқ театрларининг бугунги аҳволи ҳақида сўзлади.

Машғулот қатнашчилари Маданият институтининг оммавий байрамлар режиссёрлиги бўлими ўқитувчилари ва талабаларининг очиқ дарсларида ҳам қатнашдилар. "Ўзбектеатр" бирлашмасидаги суҳбатлар, "Театр" журнали жамоаси билан ижодий мулоқот ҳам мазмунли бўлди. Пойтахт театрларидаги учрашувлар машғулот қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

ҚАЙТИШ

БАДИА

I

Шаҳар чеккасидаги катта бозор. Пештахталарда игнадан тортиб тикув машинасигача бор. Бири-биридан чиройли! Бири-биридан қиммат. Кўплари бир-биридан омонат. Сотувчи чорлайди. Молини кўкларга кўтариб мақтайди. Чақчайиб турган кўзлари бирон бир харидорнинг кўзлари билан тўқнашиб қолса дарҳол имлайди: Бозорнинг энг арзон моли бизда дейди. Адашманг, ютқазмайсиз дейди. Харидор ялдир-юлдур кийим-кечакка шунчаки қараб ўтиб кетади. Қуриб кетсин, бир пулга қиммат дейди. Ҳаммаси Хитойники-я, дейди. Бошқа бир харидор яқинроқ бориб тикилиб қолади. Иккинчи сотувчи ҳам биринчисининг сўзларини худди тўтидек такрорлайди. Учинчиси харидорни ўз ҳоли-жонига қўймай қўлига ялтираб турган этик тутқазади. Соф чарм бу, акажон дейди. Бунақасини тополмайсиз. Арабистондан олиб келганман. Аммо, этикка гап йўқ. Камида беш-олти йил киясиз. Тепиб-тепиб киясиз дейди. Харидор этикнинг ичи-ю, ости-устини кафти билан силаб-силаб кўради. Бармоқлари билан босиб-босиб кўради. Ёзувларига термулади. ўқиёлмайди. Нархини сўрайди. Эшитиб, этикни ими-жимида жойига қўяди. Шартта бурилиб, кетмоқчи бўлганда сотувчи тўхтатиб, бироз пастга тушади. Харидор лаб буриштириб, бош чайқайди. Сотувчи яна минг сўм тушади. Қиммат, жудаям қиммат дейди харидор. "Мўлжалингиз қанча, ака?" — сўрайди сотувчи илжайиб. Бу гап харидорга ботмайди. Шубҳаланиб қолади. Сотувчининг айёрона кўзларига қарайди. "қишлоқдан келган деб, алдамоқчи бўлаяпти мени" дейди ўзига-ўзи. "ўрайми, ака?" — сўрайди сотувчи. Йўқ, дейди харидор. "Бу томонларни ҳам бир айланиб кўрай, кейин гаплашармиз", — дейди харидор. "Бемалол, лекин бунақасини тополмайсиз", — дейди сотувчи ҳафсаласи пир бўлиб.

Ҳамма растада шу гап. Ҳамма растада тумонат одам. Чумолидай тизилишган. Минглаб одам қуйига юради — юксиз. Минглаб одам юқорига юради — юк билан. Қўлларидагини ўзларича арзон олганлар хурсанд. Қимматроққа олдимов деб ўйлаганларнинг чеҳралари тунд. Бозорга келганларига пушаймон. Сотувчилар ҳам шундай. Иши юришганининг оғзи қулоғида. Иши юришмаганининг қовоғидан қор ёғиб турибди.

II

Кейинги пайтда бозорлар тубдан ўзгариб кетди. Энг замонавий, энг чиройлик бўлди. Кўрса кўргулик, мақтаса мақтагулик бўлди. Пештахталар мисли безатилган дастурхондек. Ҳавасингиз келади. Ҳеч нарса олмасангиз ҳам бир айланиб чиқсангиз бас, баҳридилингиз яйрайди. Энди сотувчилар ҳам бошқача. Бозорга муносиб. Соч-соқоли ўсган, ҳар замон-ҳар замонда нос тупуриб турадиган эркаклар йўқ. Қарсиллатиб сақич чайнаб бақир-чақир қилиб ўтирадиган аёллар йўқ. Ҳаммаси дид билан кийинган. Тоза-озода. Ширин сўзли. Самимий. Қайси бири билан муомала қилманг, маданиятли экан дейсиз. Маънавиятли экан дейсиз. Маърифатли экан дейсиз. Ахир, зиёли деган шундай бўладида. Анови, болалар кийимларини сотаётган аёлни сотувчи деб ўйлайсизми? Йўқ!

III

Бозорнинг ана шу қисмида Шарифжон исмли йигит ҳам бор. Таниш-билишларининг саъй-ҳаракати билан бозорга келиб қолган Шарифжон докторант. Ётоқхонада яшайди. Ўн етти минг сўм стипендия ҳам олади. Бозорга келгунга қадар олган стипендиясини минг бир ҳисоб-китоб билан ишлатарди. Бошқалар қатори Шарифжон ҳам кейинги чиққан адабиётларни харид қилгиси келар, аммо ололмасди. Сабаби — қиммат. Бунинг устига беш-олти сўм орттириб, хотини билан икки боласига юбориб турмаса ҳам бўлмайди. Яхшиям бозор чиқиб қолди. "Стипендия"си ҳам яхши. Ҳар ҳолда бир кунига яраб турибди-да. Лекин, бу иш Шарифжонга ёқмайди. Ўзига эп кўрмайди. Очиқроғи ор қилади. Қишлоқ томондагилардан биронтаси кўриб қолмасин деб қўрқиб туради. Бу ишни қилмай деса бўлмаса. Бундан кўра ўз соҳаси бўйича бирон бир жойда ишлагани маъқул эдику-я. Аммо, у ҳам муаммо-да. Афсуски, диссертацияни ҳимоя қилиш муддати ҳам яқинлашиб қолмоқда. Иш эса кўп. Бунинг учун кутубхонадан чиқмаслик керак. Куну-тун ишлаш керак. Масала яна иқтисодга бориб тақалади. Баъзан бор-е деб илмий ишни йиғиштириб қўйгиси келади-ю, лекин қилолмайди. Ўз касбини, ўз соҳасини жудаям яхши кўради. Ҳаётини усиз тасаввур қилолмайди. Шунинг учун ҳам бозорни ёқтирмайди. Касбини бозорга алишгиси келмайди. Шунинг учун ҳам Шарифжон: "Чидаганга чиқарган. Чиданг" дейди ўзига-ўзи. "Тушкунликка тушманг. Кўпи кетиб,ози қолди. Ғайрат қилинг. Бу қийинчиликлар отангиз билан онангиз кўрган азоблар олдида ҳолва. Ҳаш-паш дегунча ўтиб кетади. Энг муҳими иккиланманг, адашманг, эзгу мақсаддан қайтманг! Дўсту-душман борлигини унутманг! Иш битганда кўрасиз, қишлоқдошларингиз, шогирдларингиз дўстларингиз роса қувонишади. Бағрига босиб қутлайди. Сизга ўхшаганлар кўпайсин дея дуо қилишади. Яна нима керак? Ҳеч нарса! Аммо, бунинг ўзи бўлмайди. Ўша кунларга етиш учун тинимсиз ўқиш, ўрганиш, ишлаш керак.

IV

Бозорларда янги қонун-қоида русум бўлди. Кўпчилик янги қоида талабларини бажарди. Айримлар бошқа юмуш излаб қолди. Бу сафда Шарифжон ҳам бўлди. Аммо, у четга чиқиб қолганига сира-сира афсусланмади. Аксинча, бозор ҳаёти қозонида озгина бўлса-да, қайнаганидан хурсанд бўлди. Оқу-қорани таниди. Ман-ман деган пулдорларни кўрди. Юриштуришини кузатди. Гапларини эшитди. Лекин, ҳавас қилмади. ҳасад ҳам қилмади. Ўзининг улардек бўлолмаслигини билди. Ўшалардек бўлишдан худо асрасин деди. Шунинг учун олди-сотди кетидан қувмади. Бу йўлдан қайтди. Бутунлай қайтди. Тўғри қилди. Ахир, бировнинг маҳсулотини арзон-гаровга олиб, ўзимники деб, сотиб бўладими? Ўзганинг молини ўзимники деб мақтаб бўладими? Бўлмайди. Бўлиши учун "лўқ" этиб виждонни ютиб юбориш керак. Ёлғон гапириш керак. Алдаш керак. Шарифжон эса бундай қилолмайди. Шунинг учун ҳам илмни, фанни, касбни афзал билди. Хато қилмади. Буни ўзи ҳам билди. Йигитнинг омади йўлда деганларидек, илмий раҳбарининг маслаҳати билан жарроҳлик марказида ўтказилган танловда қатнашди. Ғолиб бўлиб, илмий котиб лавозимини эгаллади. Ўз-ўзидан муаммолари ҳам ечилди. Энди иши туну-кун илм олиш бўлди. Илмни амалиётда қўллаш бўлди. Бўш вақт қолмади. Устозлару касбдошлар билан мулоқотлар, баҳс-мунозаралар диссертацияни ҳам тезлаштирди. Аллақачон ўзини босиб олган Шарифжон ишлари бароридан келаётганлигидан мағрурланиб кетмади. Мақтовларга учмади. Ишлади. Бошини хам қилиб ишлади. Катталардан ибрат олишга, кичикларга ўрнак бўлишга интилди. Бу унинг ўз севган касбига, илм-фанга, эътиқодига бутунлай қайтганлигидан далолат бериб турарди.

V

... Бугун энг улуғ, энг қутлуғ байрам — Наврўз айёми куни. Уйғониш фаслининг энг гўзал байрами бу. Чеҳралар ёниқ. Чеҳралар гулгун. Карнай-сурнай садолари оламни тутгудек. Осмон мусаффо. Замин ям-яшил. Табиат мунаввар. Ялпиз иси баҳри — дилингизни яйратади. Боғлар яна яшнади, яшарди. Оппоқ бўлиб гуллаган ўриклар чимилдиқ олдида турган келинчакларга ўхшайди. Бирам нозик, бирам гўзал, бирам иболики, қараб тўймайсиз. Қараб қўймайсиз.

Ҳа, демай, дошқозонлар очилиб, сумалак сузилади. Дастурхонлар Наврўз нозне-ъматларига тўлади. Бутун қишлоқ манзараси кўринииб турадиган тепаликда катта сайил бўлади. Ўйин-кулги авжига чиқади. Бир даврада қўчқор уриштирилса, иккинчисида хўрозлар жангини кўрасиз. Каттаю кичик "ёнбошга ол, ёнбошга", "ҳа-а", "чиллик бер, чиллик..." деб қийқирадиган даврада полвонлар бел ушлашадилар. Яна бир томонда қизиқчилар-у, дорбозлар томоша кўрсатадилар. Бобо деҳқонлар яхши ният билан ерга уруғ сочадилар, кўчат ўтқазиб, гул экадилар.

Ҳув юқорироқдан йигит-қизларнинг айтишувлари эшитилади:

Қиз:

Гулдур-гулдур, гулдурак,
Осмонда гулдир варрак.
Ким айтади қай бири,
Наврўздан бергай дарак?

Йигит:

Гулдур, гулдур, гулдурак,
Осмонда гулдир варрак.
Юксакларга учгани,
Наврўздан бергай дарак.

Ҳамма:

Балли, балли, балли-ё,
Бахтли бўлинг, бахтли-ё!

Қиз:

Қўлимда турган танга,
Бўялган қайси рангта?
Кўрайлик-чи, ким топар,
Поччамизми ё янга?!

Эркак ва аёл:

Қўлингиздаги танга,
Ярашгайдур Ватанга.
Тилло халқмиз, шу боис,
Бўялган тилло рангта.

Ҳамма:

Балли, балли, балли-ё,
Бахтли бўлинг, бахтли-ё!

Қиз:

Гулдур-гулдур, гулдурак,
Қозон тўла сумалак.
Айтинг-чи, ким пиширмиш,
Сималакми ё малак?

Йигит:

Гулдур-гулдур, гулдурак,
Қозон тўла сумалак.
Малак пиширган ошни,
Ширин қилмиш сималак.

Ҳамма:

Балли, балли, балли-ё,
Бахтли бўлинг, бахтли-ё!

... Афсуски, Шарифжон бу тантаналардан узоқда. Эҳтимол шу топда ўтган йили ҳам зўр нишонланган Наврўз байрамини эслаб, энтикиб-энтикиб ўтиргандир. Эҳтимол, бутун фикри-зикри она қишлоғида бўлиб, шодиёна давраларга хаёлан кириб келаётгандир. Балки, шунинг учун ҳам Онанинг кўзлари йўлда. Отанинг кўзлари йўлда. Ёрнинг кўзлари йўлда. Қизчаси сўрайди: "Ойижон, дадам Наврўз байрамига келадиларми?" "Келадилар, албатта келадилар", — дейди ойиси. Ўғилчаси сўрайди: "Ойижон, жон ойижон, дадам сумалак егани келадиларми-а?" "Келадилар ўғлим, албатта келадилар", — жавоб беради ойижони. Ўзи эса йўлга қарайди.

Ота дам-бадам кўчага чиқиб келади. Ўзидан ўтаётганини ўзи билади. Она дам-бадам кўчага чиқиб киради. Ўзидан ўтаётганини ўзи билади. Келин ҳаммасини кўриб турибди. Ҳаммасини сезиб турибди. Юраги ғаш. Тиқ этса ярқ этиб қарайди. Чол кампирга қараб-қараб қўяди. Индамайди. Дарди ичида. Кампир чолга қараб-қараб қўяди. Индамайди. Дарди ичида бир-бирини авайлайди. Бир-бирини асрайди. Кампир нимадир дегандек бўлади. Чол шошиб қарайди. Кампир жим. Чол нимадир дегандек бўлади. Кампир шошиб қарайди. Чол жим. Шу пайт дарвоза тақиллагандек бўлади. Келин ҳовлиққанча югуриб боради. Қўшни қишлоқлик Собиржон табассум билан салом беради. Наврўз билан табриклайди. Шарифжон акам бериб юбордилар деб, катта бир тугунни узатади. Шарифжоннинг иши кўпайиб кетганлигини айтиб, узрини етказади. Келиннинг кўзлари тиниб, қўл-оёғи титрай бошлайди. Собиржон хайрлашиб, орқасига қайтади. Келин бўшашибгина уйга кириб, тугунни қайнотасига беради. Ҳамма тугун атрофида бўлиб, унинг очилишини кутади. Болажонлар киприк қоқмай қараб турадилар. Ана, тугун очилди. Гуллик қоғозларга чиройлик-чиройлик қилиб ўралган бешта совға билан битта хат чиқди. Ҳар бир совғанинг устига олувчининг исми ёзиб қўйилган. Чол совғаларни эгаларига топшириб, хатни ўқишга киришади. Бир неча лаҳзадан сўнг: "Ҳаммамизни Наврўз билан қутлабди. Ўзи соғ-саломат экан. Ишим жуда кўп. Йигирма тўртинчи мартда диссертациянинг ҳимояси қўйилган. Ўтказиб бораман" дебди, дея хатни келинига узатди. Келин бўлажак фан докторининг саломномасига кўз югуртирди. Чол билан кампир аввал набираларининг, кейин ўзларининг совғаларини томоша қилдилар. Келиннинг ҳам кўнгли жойига тушди. "Даданнинг диссертация ҳимоясига сизларни ҳам олиб бораман", — деди чол набираларининг қувончига қувонч қўшиб. Болалар "ур-ра" дея қийқирдилар. "Бизлар ҳам борамизми", — сўради кампир. "Сизларсиз бориб бўлармиди", — деди чол. "Худо хоҳласа якшанба кечқурун поездга чиқамиз", — қўшиб қўйди у. Катта чинни лаганда ош олиб кирган келин шивиллаб ёмғир ёғаётганини айтди.

— Ёмғир қут-барака, — деди чол, — майли ёғаверсин. Ҳозир айни вақти. Моҳичеҳра билан Отабек югурганча ҳовлига чиқиб кетдилар.

VI

Шарифжоннинг диссертация ёқлашини эшитган маҳалла оқсоқоли Бекмурод ота ёнида уч-тўрт киши билан Зафар бобо хонадонига кириб келди. Оила аъзоларини қутлаб, "Маҳалламизнинг ман деган йигити фан доктори бўлади-ю, биз жим ўтираверамизми? Йўқ, Ҳасанбойнинг "Мерседес" автобусида тўлиб борамиз. Шарифжоннинг қаватида қувватлаб турамиз. Узоқяқиндан келган олимлару меҳмонларга дастурхон ёзиб, зиёфат берамиз. Маҳалламизнинг фахри бўлган Зафар бобонинг уруш қатнашчиси-ю, эл ҳурматини қозонган муаллим бўлганлигини пойтахтдагилар ҳам бир кўриб қўйсинлар" — деди. У бу гапларни чин юракдан айтди. Ғурурланиб-ғурурланиб, шодланиб-шодланиб айтди.

VII

Муддатидан олдин ҳимоя қилинган диссертация аъло баҳоланди. Машҳур академиклару профессорлар Шарифжоннинг илмий-тадқиқоти тиббиёт фанида янги саҳифа очганлигини асослаб, уни муборакбод этдилар. Навбат Бекмурод отага келди. У кўксида қатор-қатор орден-медаллар ярқираб турган Зафар бобо билан Зарифа бувини, уларнинг келинларию набираларини таништириб, шундай таърифладики, меҳмонлару мезбонлар ўринларидан туриб, бахтли ота-онани, бахтли келину, бахтиёр фарзандларни қарсаклар билан олқишладилар. Ўз олимини, унинг оиласини эъзозлаб, уларга таъзим қилиб, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган маҳаллага қойил қолиб, унинг каттаю кичигига раҳматлар айтдилар. Шундай аҳил, шундай меҳрибону фидойи кишилари бор маҳаллага ҳавас қилдилар. Шарифжондек ажойиб инсонни, билимдон олиму, қўли гул шифокорни тарбиялаб, унинг камолини кўришга муяссар бўлган нуроний отахону онахонга таҳсину тасаннолар изҳор этдилар...

Нуриддин ОЧИЛОВ



ЭЛ СУЙГАН ҲОФИЗ

Ёднома

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тожиддин МУРОДОВни эслаб...

Мусиқанинг етти пардаси орасида етти минг олам сеҳри бор. Унинг чорак, нимчорак пардаларидаги нолаю қочиримлар инсоний изтироблардан, садоқатдан, боланинг онага, онанинг болага меҳру муҳаббатидан сўйлайди. Мусиқа санъатининг сеҳри ҳам, қудрати ҳам шунда. Бироқ мусиқанинг бундай сеҳру қудрати билан яшаш ҳар қандай хонанда ва созандага ҳам насиб қилавермайди.

Ўзбек мумтоз қўшиқчиларининг моҳир ижрочиси, такрорланмас овоз соҳиби Тожиддин Муродов ана шундай мусиқа сеҳри билан яшаган ва ижод қилган санъаткорлардан бири эди. Унинг ашулаларини ҳамон бутун вужудим билан тинглайман. Бу хонанданинг ижодий мероси ҳам ўтмиш саҳифаларидан жой олди. Хонаданинг 63 йиллик умри, 40 йиллик машаққатли изланишлари бесамар кечмади.

Тожиддин Муродов камтарин, камсуқум инсон, айни пайтда заҳматкаш, илму маърифат шайдоси эди. У ҳофизликда ҳам, муаллимликда ҳам, актёрликда ҳам эътиборга молик ишларни амалга ошира олди.

Ёшлигидан элимизнинг машҳур ҳофизи Комилжон Отаниёзовга ҳавас қилиб, тор жўрлигида ашулалар айта бошлаган. Унинг отаси мулла Муродхон Ҳамид ўғли мумтоз адабиёт, тасаввуфдан дурустгина хабардор киши сифатида Ҳувайдо, Машраб, Аҳмад Яссавий ижодини мукаммал биларди. Тоғаси Сулаймон Мақсадов ҳам дурустгина овоз соҳиби бўлган.

Тожиддин Муродов кўп йиллар Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида ишлади. Равшан ("Равшан ва Зулхумор"), Мулла Тўйчи ("Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов"), Қайс ("Лайли ва Мажнун"), Шоҳ ("Ёрилтош"), Қултой ("Алпомиш"), Эрка ("Жон қизлар") каби кўплаб ролларни ижро этди.

У ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Укаси Пўлат Муродов, фарзандлари Шарофиддин Муродов, Каромиддин Муродовларнинг истеъдодли хонанда бўлиб етишишида устозлик қилди.

1973 йили Семашко номидаги шифохонада муолажа олаётиб, шу ерда даволанаётган Тожиддин Муродовни учратиб қолдим. У менинг янги басталанган ашулаларимга қизиқиб қолди. Шу тариқа "Ғамзасин севдинг кўнгил" (Фузулий ғазали), "Ошкор ўлсун" (Самад Вурғун ғазали), "Саодат бу" (Восит Саъдулла шеъри), "Жононасан" (Усмон Жонгитов шеъри) каби ашулалар майдонга келди. Тожиддин Муродов оҳангни тез ҳис қила олиши, ашуладаги зеру забарларни жой-жойига қўйиб куйлаши, нафасни тежаб ишлатиши, ашулани ритмик суръатда ва ритмик бирликда янграйди. Созандаларнинг нолаю қочиримларини жой-жойига қўйиб ижро қилишлари натижасида сўз ва куй ўзаро уйғунлашиб, яхши бадиий ифода, тиниқ ижро вужудга келади.

Тожиддин Муродов бир қанча атоқли хонандаларни устоз деб биларди. Матниёз Юсуповдан "Хоразм чоргоҳи" ва "Хоразм сегоҳи"ни, Ҳожи Ориф Алимахсумовдан "Бозургони" ва "Тошкент ироғи"ни, Исоқ Катаевдан "Савти мискин" ва "Бебоқча"ни, Қувондиқ Искандаровдан "Феруз-I, II, III"ларни ўрганди.

У Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар"идан олам-олам завқ оларди, бадиий адабиётни, мумтоз шоирлар ғазалиётини жону дили билан мутолаа қилар эди.

Ҳа... умр оқар дарё, дейдилар. Тожиддин Муродов босиб ўтган ҳаёт йўли бекатларида қанчалаб улуғ инсонлар билан ҳамкорлик қилди. Қанчадан-қанча қўшиқ шинавандаларининг севган ҳофизига айланди. Ҳалол меҳнати билан халқнинг ҳурмат-эътиборига мушарраф бўлди.

Тожиддин Муродовнинг мумтозлик пиллапоясидан ўрин олган ҳофизлик санъати умрбоқийликка дахлдордир.

Раҳматжон ТУРСУНОВ

Турғунбек Маҳкамов суратлари

Баҳодир КАРИМ

“ДАЛОЙИЛ” ЎҚИЁТГАН ЮСУФБЕК ҲОЖИ

Ижод аҳли муайян ғояни, дилини безовта этган ҳис-туйғуни бадиий шаклда ифода қилиш учун турли-туман воситаларни қўллайди. Кимдир бир зарб билан мўъжазгина шеър битиб, кўнглини бўшатади, ором олади. Айнан сунъийлик ва зўрма-зўраки чиранишлардан узоқ бундай асарларнинг умрбоқийлигини муаллифларнинг ўзлари ҳам яхши биладилар. Яна кимдир безовта қалбининг ороми учун аллақандай ҳодисани насрий йўсинда тасвирлайди. Бадийяти, композицион бутунлиги, сюжет чизиқларининг параллелизми, воқелик тасвиридаги ички манера, симметрик ҳолатлар ва, энг муҳими, қаҳрамонлар дунёсига, уларнинг руҳий, маиший, умуминсоний қиёфасига жиддий эътибор беради. Табиийки, яққол кўзга ташланган ва муаллифнинг кўнглига яқин бўлган асл қаҳрамонлар бошқалар қалбидан жой олади.

Ҳар доим эсга олинадиган, айниқса, ўзининг оригинал дунёсига эга қаҳрамонлар янги назарий фикр айтиш учун имкон яратади. Бу тоифа қаҳрамонлар ўзбек адабиёти тарихида мавжуд, албатта. Қайсидир ёзувчи ўша қаҳрамон учун ўнлаб саҳифалар қоралаб қаҳрамоннинг мукаммал қиёфасини чизишга эришса, бошқа бири кўпчилик эътиборига тушган қаҳрамонларни майда штрихлар ёрдамида қандайдир бадиий асосда маънавий-руҳий жиҳатдан нисбатан мукаммал ҳолатда саҳнага олиб чиқади.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек ҳожини айнан ҳожилиги эътибори билан юксак бир мақомга кўтариб қўйгандир. Бу қаҳрамон маиший-ижтимоий жиҳатдан ақл-заковати, фаҳм-фаросати, гўзал одоби, муомала-муносабати, қўйингки, барча-барча фазилатлари билан ажралиб туради. Бу нурюзли сиймо таҳлатидан таралган ёғду бутун роман борлиғига ойдинлик бағишлайди.

Ҳожилик сифати Юсуфбекнинг дин арконларини тўкис адо этгувчи ҳалол-покиза бир инсон эканлигини англатади. У умрининг баҳори ўтиб, шоми яқинлигини, ҳисоб-китоб фурсати келишини юрак-юракдан ҳис этади. Шу боис Юсуфбек ҳожининг: “Парвардигоро, кексайган кунларимда доғини кўрсатма”, деган муножотлари ўта табиий эшитилади. Шунингдек, солиқ йиғиш масаласида эгнига кимхоб чопон ёпилган ҳожи халққа қилинаётган жабр-зулмни кўриб, қонхўрлик ва зулмга рози эмаслигини: “Мен қонхўрлиқ учун худонинг фарз қилган ҳажини адо қилмадим; олдимда ўғлум бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждон бор, дин бор, диёнат бор”, деган мулоҳазалар орқали ифодалайди. Комил инсон қиёфасидаги бу қаҳрамон халққа ҳам, ўз эътиқодига ҳам хиёнат этишни истамайди. Зеро, “халқ Юсуфбек ҳожидан бир зарра ёмонлиқ ёки бўлмағур бир кенгаш эшитмаган...” Душманлар ҳам унинг айнан мансаб борасида “ниҳоятда таъмасиз” эканини, “халқ манфаатини кузатгувчи бир одам экан”лигини эътироф этадилар.

Романнинг биринчи бўлимида бу шахс ижтимоий фаолиятдаги инсон қиёфасида берилса, иккинчи бўлимда оилавий муҳит доирасида тасвирланади, учинчи бўлимда эса шу икки муҳит уйғунлигида ҳаракат қилгани кузатилади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, романда ҳожи қатнашган саҳналар кўп эмас. Аммо Юсуфбек сиймосининг маънавий қуввати романдаги бошқа қаҳрамонларни ўз аурасига тортади. Ҳожи қатнашмаган саҳналарда ҳам унинг ўткир нигоҳи сезилади; воқеликда ростлик ҳукмронлик қилади. Бу қаҳрамоннинг салобати бор: оз гапиради, кўп эшитади, кам кулади, мусибатдан дарҳол кўзи ёшланади.

“Юсуфбек ҳожининг қизиқ бир табиъати бор: хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлса бўлсин узоқ сўзлашиб ўлтурмайдур... ҳожи бир неча вақт сўзлаётгучини ўз оғзиға тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар маъқул тушса “хўб” дейдир, гапка тушунмаган бўлса “хўш” дейдир, номаъқул бўлса “дуруст эмас” дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса, бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир”. Иккинчи бўлимнинг “Ота-она орзуси” деган бобида романнавис ҳожи табиатига хос ана шундай индивидуал чизгиларни беради; қаҳрамон салобатини орттиради.

Юсуфбек ҳожи — йирик шахс. У ўзаро маҳаллий зиддиятларнинг зарарини яхши билади, қипчоқни қириш ишини коралайди, аксинча, уларни “чин ёвга бериладиган куч” учун иттифоқчи санайди. Ноўрин исёнга отланаётган оломонга қарата:”...Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман!”, деган сўзларни айтади. Бироқ ҳожининг истагига қарши ўлароқ қирғин бўлиб ўтади. Бунинг устига устак Отабек ҳам отасининг бу ишда қўли борлигидан шубҳаланиб ҳожининг кўнглига озор етказади. Юсуфбек ҳожининг ўзини оқлаб, масаланинг туб моҳиятини тушунтиргандан сўнг айтган қуйидаги гаплари бу шахснинг чиндан ҳам йирик — улуғ эканини яққол кўрсатади.”Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қила олмадим. Иттифоқни не эл эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичкан мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишға ҳозирланған биз итлар Яратғувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғонлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларни ятим, хоналарини вайрон қилғучи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиқған гиёҳлар қарғишиға нишонадир, ўғлим!..”

Ота ва ўғил суҳбати жараёнида айтилган бу гаплар катта ижтимоий моҳиятга эга. ҳожининг бу масалаларда ўз қараши, ўз гапи бор. Шунинг учун унинг гаплари Отабекни “уялғаннамо ерга” қарашга мажбур этади. Ёки бошқа эпизодларда айнан Юсуфбек ҳожининг адл назари баъзан Ўзбек ойимни гангитса, баъзан “нур ичига чўмилгандек бўлиб кўринган сиймоси”, “ойим деб хитоб” қилишлари, “беозор ва муассир сўзи” Кумушнинг “қайин отамни ўз дадамдан ҳам яхши кўраман” деган холис эътирофига сабабчи бўлади.

Ёзувчи уюштирган бир мажлис — зиёфатда Юсуфбек ҳожи Юнус Муҳаммад охунд оғзидан Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллом)нинг: “Изо васадатал-амру ило ғайри аҳлиҳи фантазир ассоата” (яъни, агар бир қавмнинг иши ноаҳл одамға топширилған бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил), деган ҳадисини эшитиб: “Вой бўлсин биз бадбахтларнинг ҳолиға”, дейди. “Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешка етиб бир вақт мизға ақлим етмай қолди. Биз шу ҳолда кетадирган, бир-биримизнинг тегимизга сув қуядирган бўлсақ яқиндирки, ўрус истибдоди ўзининг ифлос оёғи билан Туркистонимизни булғатар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгуси наслимизнинг бўйниға ўрус бўйиндириғини кийдирган бўлармиз. Ўз наслини ўз қўли билан кофир қўлиға тутқин қилиб топширғучи – биз кўр ва ақлсиз оталарға худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни тўнғузхона қилишға ҳозирланған биз итлар Яратғувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғонлари бўлсин ибодатимни жаноби ҳаққа бевосита йўналтирғанимни ва кўнгил кўзим очилиб қилған саждамни хотирлай олмайман. Бу алданишим эрса, ҳақ тарафидан бир танбеҳ, бўлмағанларға бўлишмоқчи бўлғаним учун бир киноядир. Энди мундан кейинги беш кунлик умрим дунё можароларидан этак силкиб гўшаъи охират тадорикини қилмоғим учун ғанимат кўринадир”. Бу тарзда ўзини-ўзи тергаши, руҳий мулоқотлардан қониқмаслик, ўзига маломат қилиш, муайян ҳикматлардан тўғри хулосалар чиқариш — фақат Юсуфбек ҳожи табиатигагина хосдир. Зотан, ичи бутун бу шахс маърифатли шахсдир.

Шу ўринда муҳим бир фикрни айтиб ўтиш ўринлидир. Ёзувчи Юсуфбек ҳожи мақомини муайян бир ишоралар, рамзлар воситасида юксакликка кўтаради. Уни бир ўринда чин дилдан “Қуръон” ва “Далойил” мутолаасига берилган киши сифатида тасвирлайди. Романнинг бошқа бир саҳифаси – ҳожи Кумушнинг кўзи ёриши арафасида ҳам “хурсанд ва хафалиги номаълум бир қиёфада “Далойил” ўқиб ўтиради. Бугунги маърифатли ўқувчи учун Қуръони каримнинг қандай китоблиги ёки мазмун-моҳиятини айтишнинг ҳожати йўқ. Бироқ Абдулла Қодирий асарларида тез-тез тилга олинадиган “Далойил” хусусида эса икки оғиз сўз жоиз.

Асримиз аввалида Қозон матбаахоналарида босилган ва юртимиз зиёлилари орасида машҳур бўлган “Далойил ул-ҳайрот” муаллифи Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий исмли кишидир. Китоб ёзилишининг қизиқ бир тарихи ва уни ўқиш шарти ҳамда одоблари бор. Биринчидан, комил бир машойихдан изн лозим. Иккинчидан, уни ўқувчи киши ейиш-ичиш, савдо-сотиқ каби амалларда ҳаромдан ҳазар этиши керак. Учинчидан, ўзи ҳам, кийим-кечаги ҳам пок бўлиб, уни ўқишда хатога йўл қўймаслиги лозим. Тўртинчидан, тажвид (тўғри талаффуз) қоидаларига амал этиши ҳамда ўқилаётган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имкони борича билиши керак. Бизнингча, умуман, шунга ўхшаш барча талабларни Юсуфбек ҳожи комил бир инсон сифатида тўла-тўкис адо қилган. Акс ҳолда, дуолар, тасбеҳ ва саловотлардан таркиб топган “Далойил”ни ўқишга Юсуфбек ҳожи жазм этмаган бўлар эди.

Абдулла Қодирий бундай мўътабар китоблар қадр-қимматини яхши билган, албатта. Демак, китоб моҳияти ортидаги сир-синоатни, умуммоҳиятни англаб олиш ўқувчи кўзи ўнгида “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи маънавий-руҳий дунёсининг янада бўртиб кўринишига сабаб бўлади. Чунончи, Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларни етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсифлаш усули мавжуд эстетик ҳодисадир. Масалан, адибнинг Анвар ва Раъно дек жиддий, Калвак Маҳзумга ўхшаш ҳажвий қаҳрамонлари дунёси ҳам китобларга дахлдор ҳолатда намоён қилинади. “Ўткан кунлар”да эса Отабек “Бобурнома” ўқийди, Фузулийни варақлайди; Кумуш “Фузулий яхши китоб”, дейди. Юсуфбек ҳожи “Қуръон ва “Далойил” мутолааси билан машғул бўлади.

Умуман олганда, ижодкорнинг бадиий нияти ижроси учун гоҳида машҳур китобларнинг восита бўлиши жаҳон адабиёти тарихида мавжуд воқеликдир. Масалан, И.В.Гёте “Ёш Вертернинг изтироблари” асарида ўзининг яхлит бир бадиий-ижтимоий ғоясини Г.Э.Лессингнинг “Эмилия Галотти” трагедияси воситасида ифода этади. Асарнинг охирги эпизоди – Вертер ўлган, шу жойда турли ижтимоий-маиший азоб-уқубатлар тасвирини қамраб олган “Эмилия Галотти” китоби очиб қўйилади. Санъат тилини тушунадиган кимса бу рамздан ўзи учун етарли хулоса чиқара олади. Шунингдек, А.С.-Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский ёзган асарлар ҳам бундай хусусиятдан мустасно эмас.

Хуллас, XX аср ўзбек адабиёти хазинасининг ноёб жавоҳирларидан бири бўлмиш “Ўткан кунлар”дек ҳодисани миллий, умуминсоний, бадиий-эстетик жиҳатдан жаҳон адабиёти мезонлари асосида тадқиқ этиш, қайта ўқиш, қайта баҳолаш, бу — давом этаётган ва давом этадиган жараёндир. “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи” шу йўлдаги кичик бир уриниш, холос.

СУРАТЛАРДА: "Ўтган кунлар"филмидан лавҳалар.

БОБУР МАЖЛИСЛАРИ МАСИҲОСИ

ТАДҚИҚОТ. АХБОРОТ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз исми шарифини “Подшоҳ Бобур” тарзида эшитишни истаган. Подшоҳ Бобур шоҳликнинг зарур шартларидан бири кенгаш эканлигини яхши биларди. Шунинг учун биз “Вақоеъ” (“Бобурнома”)ни варақлаганимизда кўплаб маротаба Бобуршоҳ мажлислари, аҳли мажлисларининг кимликлари гувоҳи бўламиз. Бобур ўз хос мажлислари (базмлари) иштирокчиларини бирмабир айтганда гоҳ фақат аъёнларини, гоҳ аҳли нағма — мусиқа чолғувчилар ва ҳофизларини ҳам ном-баном қайд этади: “Тонгласа девон тарқағондин сўнг сайрға отланиб, кемага кириб, арақ ичилди. Мажлис аҳли: Хожа Дўст Хованд, Хисрав Мирим, Мирзоқули, Муҳаммадий, Аҳмадий, Гадойи, Нуъмон Лангархон, **Руҳдам,** Қосим Али тарёқий, Юсуф Али, Тенгриқули”.

Бошқа бир ўринда ўқиймиз: “Шанба куни, раби ул-аввал ойининг ўнида офтоб ҳамалға таҳвил қилди. Ушбу кун намози пешин сайр қила отланиб, кемага кириб арақ ичилди. Аҳли мажлис: Хожа Дўст Хованд, Дўст Бек, Мирим, Мирзоқули, Муҳаммадий Аҳмадий, Юнус Али, Муҳаммад Али жанг-жанг, Гадойи тағойи, Мир Хурд асас; аҳли нағма: **Руҳдам,** Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тенгриқули, Рамазон”.

“Руҳдам” сўзининг луғавий маъноси Масиҳ сўзига маънодош келади. Яъни нафаси жон бағишлайдиган, демакдир. Балки бу лақабдир, балки исмдир. Ота-она балки ўз фарзандлари яхши қўшиқчи ва созанда бўлсин деб шу номни қўйгандир. Хуллас, қўшиқчи ва муғанний Руҳдам Бобур подшоҳ мажлисларининг гули эди. Шоҳона базмларида, сафарларида ҳамиша бирга бўларди. Бобур “Вақоеъ”да қуйидаги бир воқеани ҳикоя қилади:

“Чаҳоршанба куни Гулбаҳордин отланиб, Абуннинг кентида тушуб, таом еб, отланиб, Боғоти Хумға бориб тушулди. Намози пешиндин сўнг чоғир суҳбати бўлди. Тонгласиға андин отланиб, Хожа Хонд Саййиднинг мазорини тавоф қилиб, келиб Жина қўрғонидин жолаға (кема) кирдук. Панжҳир сувининг қотилишида жола тоғнинг тўқунишига уруниб, ғарқ бўлаёзди. Руҳдам, Тенгриқули, Мир Муҳаммад жолабон (кемачи) жола тоғқа урунгач, сувға йиқилдилар. Руҳдам била Тенгриқулини ташвишлар била тортиб, жолаға-ўқ чиқордилар. Чини пиёла ва қошуқ ва доира сувға борди”...

Бобур шеър, мусиқа ва ашула шинавандаси эди. Шунинг учун Руҳдамни жуда ҳурмат қилар ва унга бўлган ҳурмат-эътиборини шеърларида ҳам очиқ изҳор этарди. Қуйидаги рубоий мазмунига қараганда, Руҳдам қатнашган мажлисда хафалик, ҳазинликдан ном-нишон қолмас ва, аксинча, Руҳдам бўлмаса мажлис ва мажлис аҳлида умуман руҳ бўлмасди:

Гар Руҳдам этса оҳанги нағам,
Мажлис элида не ҳузн қолур эрдию, не ғам.
То борғали Руҳдам, боринг мажлисдин
Мажлис элида не руҳ қолди-ю, не дам.

Бу рубоий шоир асарларининг барча нашрларида қуйидагича босилган эди:

Гар руҳ дам этса эрди оҳанги нағам,
Мажлиста не ҳузн қолур эрдию не ғам.
То борғали руҳ дам беринг мажлисдин,
Мажлис элиға не руҳ қолдию не дам.

Бахтимизга Руҳдам исми Бобурнинг тўғри ўқилмаган мисрасига ҳам руҳ — жон бағишлаган каби маъно-мазмуннинг ўрнига тушишига кўмаклашди...

Бобур даҳоси ҳам Руҳдам номини ўз асари қатида асрма-аср боқийликка томон олиб ўтмоқда...

Зотан, улуғ шоҳлар сўз санъаткорлари ва мусиқий арбобларни ҳамиша эъзозлаб келганлар: Хисрав Ануширвон даврида Борбад сингари Шарқ мусиқий мўъжизаси яшаб ижод этди; Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳусайн Удий, Нажмиддин Кавкабий, Абдуқодир Ноғи, Шоҳқули Ғижжакий, Устод Шодий сингари мусиқа ва ашула усталари машҳур бўлдилар; Бобур подшоҳ саройида эса Руҳдам, Қосим Али, Юсуф Али, Тенгриқули, Рамазон сингари мусиқа, рақс ва ашула усталари жавлон урганликлари маълум. Муҳими, Бобур “Бобурнома”да бу мусиқа вакилларини қайта-қайта зикр эптанидек, ҳатто шеърий ижодида ҳам Руҳдамни эслан чиқармаган.

Бадиий ижодда ўз таржимаи ҳоли билан боғлиқ воқеа-ҳодиса ва алоқадор шахсларни эслаш Бобур насрига ҳам, назмига ҳам баб-баравар хосдир. Шунинг учун Бобур ижодининг бу хусусиятини филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров махсус қайд этишни лозим топган: “Кейинчалик “Бобурнома”да бутун кўлами билан кўринган етакчи хусусият — ўз ҳолати ва кечирмишларини, кайфияти ва таассуротларини, шодлик ва ташвишлари, интилиш ва орзуларини баён этиш — Бобурнинг илк ғазал ва рубоийларидаёқ тўла-тўкис юзага чиққан. Бадиий сўзга, шеъриятга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини очиш воситаси деб қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг реал руҳий кечинмалари билан бевосита боғлиқлик Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига кўтарилган”.

Дарҳақиқат, Бобур шеъриятида дўстлари Хожа Калон, Фўлод шоҳ, ўғиллари Ҳумоюн ва Комрон, хотинлари Моҳим бегим ва Гулрух бегимнинг исми шарифлари учраганидек, “Бобурнома”да ўз муҳитидаги кишиларни бирма-бир эслаттани ва у тарихий шахслар билан боғлиқ воқеалар асар таркибида муҳим ўрин тутгани кўпчиликка сир эмасдир.

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
филология фанлари номзоди

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Умр тугар балки, туганмас шода,
У инсон умридан фузун, зиёда.

Бу Ҳурлик маржони қолмагай ярим,
Уни тўлдиради набираларим.

“Ёшлик”нинг мазкур сонида, шунингдек, Қутлибека, Рустам Мусурмон, Хосият Рустамованинг янги шеърлари, Муҳаммад Салом, Отаули, Луқмон Бурихон, Меҳринисо Қурбонованинг ҳикоялари билан танишасиз. Акиро Куманонинг (Япония) “Уфқ ортида ёхуд Илья достони” насрий асаридан берилган парча (русчадан Собир Ўнар таржимаси), Носир Фозилов таржимасида берилган қозоқ адиби Собит Дўсановнинг “Мунглимунгли зорлаб учган ёлғиз оққуш” ҳикояси ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

“Жаҳон адабиёти” рукнида эса машҳур инглиз адиби Сомерсет Моэмнинг учта ҳикояси берилган. Ҳикояларни инглиз тилидан Алишер Отабоев таржима қилган.

Миллий университетимиз қошидаги Олий Адабиёт курсининг бир гуруҳ тингловчилари билан ўтказилган савол-жавобларда мазкур илм даргоҳининг ютуқ ва муаммолари тилга олинган. “Тадқиқот” рукнидаги З.Худойберганова ва Ш.Иброҳимованинг “Зар қадри заргар маҳоратида” мақоласида машҳур турк ёзувчиси Яшар Камолнинг “Илонни ўлдирсалар” романи таржимаси таҳлил этилган.

Халқ севиб ардоқлаган ижодкор билан учрашув адабиёт мухлислари учун ҳар гал қувончли воқеага айланиши тайин. “Ёшлик” муштарийларини бу гал атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ижодининг янги намуналари билан танишишдек шеърият байрами кутади. Журналнинг шу кунларда босмадан чиққан 2003 йилги илк сонида “Фараҳбахш кунлардан то кўнгил тўлди...” деб номланган янги туркум йиллар шодасига тизилган дурлардай шеъриятимиз ихлосмандлари кўнглига нафосат ва теран фикр-туйғулар олиб киради, ва шаксиз, улар қалбининг мулкига айланади. Дарвоқе, қуйидаги сатрлар ана шу туркумдаги “Ўн биринчи дур” шеъридан:

Ҳар битта дуримнинг номи бор, алҳол,
Ҳар бири бетакрор, юлдузлар мисол.

Озод Ватанимдан нишон ҳар бири,
Жам унда халқимнинг фахри, ғурури.

БЕБАҲО ТУҲФА

Истиқлол йиллари исломшунослик муаммоларига диққат-эътибор тубдан ўзгарди. Турли жамиятшунослик илмлари (тарих, фалсафа, ҳуқуқ, сиёсатшунослик, тилшунослик) ютуқлари, мукаддас китоблар ва асл қўлёзма манбаларга асосланган ҳолда, ислом динининг илмий тарихини яратишга қаратилган бир қанча салмоқли тадқиқотлар амалга оширилди.

Таниқли ҳуқуқшунос олим Абдулҳаким Шарғий Жўзжонийнинг “Ислом ҳуқуқшунослиги” китоби ана шундай теран илмий-тадқиқотлардан. Олимнинг бу асари жуда катта, тинимсиз илмий изланишлар натижасидир.

Китобга илова қилинган “Адабиётлар рўйхати”га назар ташлаган киши муаллифнинг турли тилларда ёзилган 217 китобдан фойдаланганининг гувоҳи бўлади. Жўзжоний бу илм денгизига шўнғиб, ундан керакли марваридларни териб, ажойиб илм шодасини тиза олган.

Китоб биринчи қисмининг дастлабки бобида фиқҳ илмининг келиб чиқиши, унинг босқичлари, шариъат билан қонунчиликнинг бир-бирига мувофақати ва фарқли томонлари машҳур исломшунос олим Абдулқодир Ўданинг ёзганлари ва муаллифнинг унга билдирган фикрлари мисолида акс этган. Муаллиф кўплаб уламоларнинг асарларига асосланиб ёзишича, шариъатнинг Қуръон ва Суннага таянган қисми барча замон ва маконда ҳам қатъий бўлиб, Ижмоъ ва Қиёс эса замон, макон, шароит ва вазиятга қараб ҳукм чиқаришга имкон берувчи асослардир. Уларнинг мавжудлиги ижтиҳоднинг давом этишига, янги-янги фатволар чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчи бобда асосан шариъат — ислом қонунчилигининг асослари ҳусусида сўз юритилади. Исломнинг дастлабки асрида шариъатнинг асоси иккита бўлиб, улар Қуръон ва Сунна эди. Бу асосларнинг шориъи бўлиш, яъни ислом қонунчилигини жорий қилиш ваколати Пайғамбаримиз (с.а.в.)гагина берилган эди. Муаллиф шариъатнинг ана шу икки асоси ҳақида маълумот келтириш билан бирга, фиқҳ китобларида кўп ишлатиладиган терминларнинг изоҳига ҳам катта аҳамият берган.

Биринчи қисмнинг учинчи бобида эса Исломда пайдо бўлган оқимлар — суннийлик ва шиъалик оқимлари борасида сўз юритилган, уларнинг мазҳаблари, бирбиридан ажралиб фарқлари кўрсатилган.

Иккинчи қисмнинг асосий мавзуи сунний имомларнинг улуғи Абу Ҳанифа Имом Аъзамга бағишланган бўлиб, биринчи бобда у кишининг насаблари, ҳаётлари, устозлари ва замондошлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Муаллиф Абу Ҳанифанинг ҳаётлари, мазҳаблари ва илмлари ҳақида қайси мавзуни ёритмасин, унда китобхон учун қизиқарли бўлган суҳбат, мунозара ва савол-жавобларни келтирганки, бу асарни ўқиган китобхон учун зерикиш ҳиссини эмас, аксинча, қизиқиш ҳиссини уйғотади ва китобхоннинг зеҳнига яхши ўрнашади.

Иккинчи қисмнинг иккинчи бобида Абу Ҳанифанинг фиқҳий усули, ижтиҳод ва истинботда суянадиган манбалари: Қуръони карим, Суннати набавия, Ижмоъ, Қиёс, саҳобаларнинг сўзлари, истеҳсон ва урф ҳақида баён этилган. Бошқа мазҳабларидан фарқли ўлароқ, ҳанафий мазҳабида эркинлик — танлаш принципи мавжудлиги муаллиф тарафидан ишончли далиллар билан қайд этилган.

Ҳанафийликда “ҳийлаи шаръия” номи билан баъзи бузғунчи кимсалар “ҳалола”, “лавра” сингари бидъат ва ҳаром ишларни жорий қилганлар. Бу бидъатларни Абу Ҳанифага нисбат бериб амалга оширишлари Абу Ҳанифа номига туҳматдир. Афсуски, бу бидъатлар баъзи жойларда то ҳануз давом этиб келаяпти.

Муаллиф “Ҳанафийликда “ҳийлаи шаръия” деб номланган фаслда бу масалани жуда яхши ёритиб, ҳийлаи шаръиянинг моҳияти нималаи иборат эканлигини, уламолар фикрига таянган ҳолда, очиқ тушунтириб берган.

Иккинчи қисмнинг учинчи бобида Абу Ҳанифанинг шоирларги ва уларнинг муаллафотлари ҳусусида сўз юритилади. “Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ўғитлари” фаслида келтирилган файласуфона насиҳатлар у зотнинг фақат буюк олим, мужтаҳидгина эмас, балки ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ўз сўзларига амал этиши ҳамда ўқилаётган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имкони борича билиши керак. Бизнингча, умуман, шунга ўхшаш барча талабларни Юсуфбек ҳожи комил бир инсон сифатида тўла-тўкис адо қилган ибодатимни жаноби ҳаққа бевосита йўналтирғанимни ва кўнгил кўзим очилиб қилған саждамни хотирлай олмайман. Бу алданишим эрса, ҳақ тарафидан бир танбеҳ, бўлмағанларға бўлишмоқчи бўлғаним учун бир киноядир. Энди мундан кейинги беш кунлик умрим дунё можароларидан этак силкиб гўшаъи охират тадорикини қилмоғим учун ғанимат кўринадир”. Бу тарзда ўзини-ўзи тергаши, руҳий мулоқотлардан қониқмаслик, ўзига маломат қилиш, муайян ҳикматлардан тўғри хулосалар чиқариш — фақат Юсуфбек ҳожи табиатигагина хосдир. Зотан, ичи бутун бу шахс маърифатли шахсдир.

Шу ўринда муҳим бир фикрни айтиб ўтиш ўринлидир. Ёзувчи Юсуфбек ҳожи мақомини муайян бир ишоралар, рамзлар воситасида юксакликка кўтаради. Уни бир ўринда чин дилдан “Қуръон” ва “Далойил” мутолаасига берилган киши сифатида тасвирлайди. Романнинг бошқа бир саҳифаси – ҳожи Кумушнинг кўзи ёриши арафасида ҳам “хурсанд ва хафалиги номаълум бир қиёфада “Далойил” ўқиб ўтиради. Бугунги маърифатли ўқувчи учун Қуръони каримнинг қандай китоблиги ёки мазмун-моҳиятини айтишнинг ҳожати йўқ. Бироқ Абдулла Қодирий асарларида тез-тез тилга олинадиган “Далойил” хусусида эса икки оғиз сўз жоиз.

Асримиз аввалида Қозон матбаахоналарида босилган ва юртимиз зиёлилари орасида машҳур бўлган “Далойил ул-ҳайрот” муаллифи Муҳаммад ибн Сулаймон Жазулий исмли кишидир. Китоб ёзилишининг қизиқ бир тарихи ва уни ўқиш шарти ҳамда одоблари бор. Биринчидан, комил бир машойихдан изн лозим. Иккинчидан, уни ўқувчи киши ейиш-ичиш, савдо-сотиқ каби амалларда ҳаромдан ҳазар этиши керак. Учинчидан, ўзи ҳам, кийим-кечаги ҳам пок бўлиб, уни ўқишда хатога йўл қўймаслиги лозим. Тўртинчидан, тажвид (тўғри талаффуз) қоидаларига амал этиши ҳамда ўқилаётган дуо ва тасбеҳларнинг маъносини имкони борича билиши керак. Бизнингча, умуман, шунга ўхшаш барча талабларни Юсуфбек ҳожи комил бир инсон сифатида тўла-тўкис адо қилган. Акс ҳолда, дуолар, тасбеҳ ва саловотлардан таркиб топган “Далойил”ни ўқишга Юсуфбек ҳожи жазм этмаган бўлар эди.

Абдулла Қодирий бундай мўътабар китоблар қадр-қимматини яхши билган, албатта. Демак, китоб моҳияти ортидаги сир-синоатни, умуммоҳиятни англаб олиш ўқувчи кўзи ўнгида “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи маънавий-руҳий дунёсининг янада бўртиб кўринишига сабаб бўлади. Чунончи, Абдулла Қодирий асарларида машҳур китоблар воситасида қаҳрамонларни етилтириш, ўша рамз ва ишоралар ёрдамида уларни тавсифлаш усули мавжуд эстетик ҳодисадир. Масалан, адибнинг Анвар ва Раъно дек жиддий, Калвак Маҳзумга ўхшаш ҳажвий қаҳрамонлари дунёси ҳам китобларга дахлдор ҳолатда намоён қилинади. “Ўткан кунлар”да эса Отабек “Бобурнома” ўқийди, Фузулийни варақлайди; Кумуш “Фузулий яхши китоб”, дейди. Юсуфбек ҳожи “Қуръон ва “Далойил” мутолааси билан машғул бўлади.

Умуман олганда, ижодкорнинг бадиий нияти ижроси учун гоҳида машҳур китобларнинг восита бўлиши жаҳон адабиёти тарихида мавжуд воқеликдир. Масалан, И.В.Гёте “Ёш Вертернинг изтироблари” асарида ўзининг яхлит бир бадиий-ижтимоий ғоясини Г.Э.Лессингнинг “Эмилия Галотти” трагедияси воситасида ифода этади. Асарнинг охирги эпизоди – Вертер ўлган, шу жойда турли ижтимоий-маиший азоб-уқубатлар тасвирини қамраб олган “Эмилия Галотти” китоби очиб қўйилади. Санъат тилини тушунадиган кимса бу рамздан ўзи учун етарли хулоса чиқара олади. Шунингдек, А.С.-Пушкин, Л.Толстой, Ф.Достоевский ёзган асарлар ҳам бундай хусусиятдан мустасно эмас.

Хуллас, XX аср ўзбек адабиёти хазинасининг ноёб жавоҳирларидан бири бўлмиш “Ўткан кунлар”дек ҳодисани миллий, умуминсоний, бадиий-эстетик жиҳатдан жаҳон адабиёти мезонлари асосида тадқиқ этиш, қайта ўқиш, қайта баҳолаш, бу — давом этаётган ва давом этадиган жараёндир. “Далойил” ўқиётган Юсуфбек ҳожи” шу йўлдаги кичик бир уриниш, холос.

СУРАТЛАРДА: "Ўтган кунлар"филмидан лавҳалар.

ҚАЛБДАГИ БОКИРА ТУЙҒУЛАР

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Ҳозирги кунда матбуотда чоп этилаётган ранг-баранг шеърларга назар ташлаганда улар орасидан Алишер Назар қаламига мансубларини ажратиб олиш унча қийин эмас. Чунки, унинг ёзганлари чақноқ юлдуздай ялтираб, алоҳида кўриниб туради. Шеърлардаги гоҳо маъсумлик, гоҳо шиддаткорлик ўқувчига сўз билан ифодалаб бўлмайдиган аллақандай роҳат, завқ, руҳий қувват бахш этади. Шу онда шоирга қалбингизда илиқ меҳр ўйғонади. Негаки, гўзал шеърлар ёзган ижодкорнинг маънавий дунёси соф, туйғулари

Муҳаммад РАҲМОН

БИР ГУЛ УНАЁТИР КЎНГЛИМДА МЕНИНГ...

XXI АСР

Навоийни ортиқ безовта этмас
Террорчи Мажидиддин,
Ўта аниқ қуроллар бор нишонга бехато
урадиган:
Тупканинг тагида бўлса ҳам
Топиб олишади,
Жазосини беришади бу нобакорнинг.
Умрлик армони — ҳаж сафарини
Адо этар, ниҳоят, ҳазрат...

Ошиқни бир йўла маҳв этиш учун
Дорийи беҳуш-ла чангланган
Атиргул ҳиллатиш шарт эмас:
Воситалар топилган таъсирчан, янги.
Дейлик, мана, кимёвий қурол!
Минг, миллён қурбоннинг биттаси бўлиб
Беҳуш йиқилади бечора Фарҳод.
Қаҳқаҳа уради унинг устида
Юзига газниқоб тортган ёсуман!

Бошида муаллақ ажал шарпаси,
Дашти Карбалода ингграйди Мажнун...

Ишлари чаккимас: беозор қўйдан
Ҳозирча беозор қўй яратдилар,
Гитлерга ҳам навбат келиб қолса ажабмас.
Хабарлар ташвишли ва ҳайратомуз,
Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гап:
Кунчиқар мамлакат уфқларида
Қуёш илк бор, бир неча лаҳзагина
Олов ҳалқа эмас, чорқирра, яъни
Квадрат шаклида бўлганмиш пайдо!

Тавба, дейди, биров ёқа ушлаб
Ёмон, дейди бу —
Охири замон, дейди.

Ёмонлик эмасдир,
Омонликдир балки,
Омонлик!
Оламни ўз қаричи билан
Ўлчаб юрган биз нодонларга
"Энг кичик заррадан Юпитергача
Мураббий" [1] Қуёшнинг сабоқларидир:
Дунё — кенг!
Серқирра!
Дунё — ранг-баранг!

Қай фирқага мансубликларин
Ҳаттоки ўйлаб ҳам кўришмагандир.
— Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!
— Ҳақ дўст, ё Оллоҳ! —
Қулоғимга чалинар элас
Олис-олис садолар:
Боши берк кўчаларга
Асоларин найзадек санчиб
Юриб чиқар тун бўйи сўфий боболарим,
Буюк даҳолар!..

* * *

Кўксига босганча оппоқ бошимни,
Гоҳо—туш, гоҳида—ўнгимда менинг.
Остин-устин қилиб эллик ёшимни,
Бир гул унаётир кўнглимда менинг.

Девордан тушолмас — кўзгу маҳлиё
Ҳиёл эгилиб соч тарашларига.
Арзийди умримни айласам фидо,
Бир бор кулибгина қарашларига.

Гулим, гулим, дейман гулбаргинг ёзиб,
Мунаввар айлагин фано дайрини!
Сенга сайри чаман, баҳор муносиб,
Менга қўйиб бергин хазон сайлини.

Қимтинар, хўрсинар, бош чайқар маъюс:
— Тушган чекимизга шундайин улуш...
Не бахтдир, тасаввур эта олмайсиз,
Бир боғда очилиб бир боғда сўлиш.

Хўрлигим келади гоҳ туриб-туриб:
Ким бўлдим сенга мен, эй нурли хилқат?
Тош қоттан дийдамни тошларга уриб,
Йиғлагим келади, йиғлагим, фақат.

Меҳру муҳаббат деб елган-югурган,
Замину замондан адашган гўё.
У—ё келажакдан ташриф буюрган,
Бобур замонидан келиб қолган ё!..

ЙЎЛ КЎРАЁГАН ОДАМ

Фалак менга буқаламунлик қилди.
Алишер НАВОИЙ

Найранги — кўп, дарди — бедаво,
Ҳасратидан юраклар хундир.
Топиб айтган Навоий бобо:
Фалак асли буқаламундир!

Йўловчиман, — жонимга тўзим! —
Мен ҳам ҳаёт аробасида.
Ўлтираман баъзан бир ўзим,
Куйган кўнгил харобасида...

Менга ақл ўргатар меров,
Иймонимга бетовфиқ ҳакам.
Пичинг қилар чет-четдан биров,
Бу оламдан эмас, деб, акам.

Ёлғонни ҳам йўяман чинга,
Умид — дилда милтиллаган чўғ.
..."Шаҳло кўз", деб кесатманг менга,
Чингиз билан қондошлигим йўқ!

Бир кимсаман, хотири малол,
Икки кўзи ним юмуқ қотган.
Бу дунёнинг ишларидан лол,
Ўйга ботган —
Йўл кўраётган!

Саратонда сарғайдим секин,
Қор, қуюннинг зарбини ютдим.
Йўл кўришдан толмадим лекин,
Кутавердим,
интизор кутдим.

Ҳаялладинг бунча ҳам. Умр
Умр эмас сенсиз, биласан.
Эй, пок инсон, дўсти бегидир,
Соғинтирдинг, қачон келасан?!..

"НОГОҲОН..."

Жўрақул Азимовга

Сайробда салқинлаб бир йўлга тушдик,
Ортда қолди қир-адр—чўлга тушдик.

Чанг-тўзонни гирдибод совурарди,
Забтига олиб офтоб қовурарди.

"Йўл азоби...", бу нақл, ишонинг, рост,
Қуйилиб келарди тер шаррос-шаррос.

Деразалар ланг очиқ, ёқавайрон,
Гоҳо сув ичар эдик, гоҳо айрон.

Чанқовни-қу, амаллаб босиш мумкин,
Уйқу деган офат бор шофёр учун!

Кетиб қолса борми сал рулда кўзи...
Паноҳида асрасин тангри ўзи!

Чамамда ўз-ўзини тергаб эди,
Ухламай, деб Жўрақул сергап эди.

Жаҳи тинмасди жавраб об-ҳаводан,
Бозор иқтисодию нарх-наводан.

Эсланди олмон, ёпон элигача,
Қулоқтишлар Тайсоннинг феълигача.

Гурунгта, денг, берилиб кетган эдик,
Ғузорми, Қамашига етган эдик.

На бир уй бор, на қудуқ, на дарахт-да,
Йўл четида кўринди лавҳа-тахта.

Қолмасин манзил номи то ниҳон, деб,
Ёзибдилар тахтага "Ногоҳон", деб.

Шофёр-да, қизиқувчан—ўрай кетди,
Ногоҳон нималигин сўрай кетди.

Лисоний саводимни қилиб кўз-кўз,
Бошламоқчи бўлгандим энди, денг, сўз,

Йўлни ногоҳ нимадир кесиб ўтди,
Юракларни ваҳима эзиб ўтди.

Ўрнида қолди улов зор чириллаб,
Автодан чиқдик бир-бир титраб-қақшаб.

Кимда—қош, кимдадир бош ғурра эди...
Йўлни кесган ҳароми қурра эди!

Оёқ остидан чиқиб турса жавоб,
Изоҳга борми ҳожат, ё, биссавоб!

Жўрақул, дедим, қисмат шум бўлади,
Ногоҳон деганлари шу бўлади!

Тартиб, қоида нима—қилмай писанд,
Ўзига, ўзгага ҳам беради панд!

Қонса бас нафси янтоқ, хашаклардан,
Эҳтиёт бўлиш керак эшаклардан!

Бу дунёдан умидвор, бандаки бор,
"Ногоҳон"дан асрасин парвардигор...

* * *

Чой ичсак, деб унга борди Ҳотамтой,
Чой ичсак, деб бунга борди Ҳотамтой.
Минг кишидан минг хил узр чиқди-ю,
Чиқмади бир пиёла чой.

Эгам, деди қалби тўлиб дард, мунгга,
Умрим менинг хайру саховот эрди.
Камдаст бўлиб қолган эдим бир кунга,
Бандаларинг оҳ, шуни ҳам билдирди!..

ҲАЗРАТИ БАШИР ҲИКМАТЛАРИ

Саркаш дарё бўлиб оқ,
йўлинг бандлиғ бўлмағай,
Очилиб гул гул каби,
заҳархандлиғ бўлмағай.
Унутма, бу дунёда
етим ҳам бор, хор-зор бор,
То бу шодмонлиғ сенга
гиёвандлиғ бўлмағай.

* * *

Қўш тақимда бир улоқ,
учар оқ, қора тулпор,
Хирқирар чавандозлар:
—Қўйвор-а, қўйвор, қўйвор!..
Тушгиси йўқ шаштидан
на унинг ва на бунинг,
Олдда эса — алҳазар!—
жаҳаннам бор, жарлик бор!

* * *

Кетма, дўст, тун қоронғу,
дўнг, чуқур, пастлик ёмон,
Ҳар қадамда дайди ит —
захму шикастлик ёмон,
Ҳазир ўл, дейман, нега
титраб кетяпман ўзим? —
Қолмоқдаман кулбамда
ёлғиз —бекаслик ёмон.

* * *

Ҳассасин дўқиллатиб келар эди бу гадо,
Ҳар уйдан хайр-эҳсон тилар эди бу гадо.
Тўхтаб ўтмасди фақат
бойларнинг эшигида,
Чамамда, бир нарсани билар эди бу гадо.

* * *

Нега бунча биғиллар
пуккамас, чикка бола,
Туғилибоқ кимга зор,
кимга ичиккан бола?!
...Қиёмат кунигача
йиғлармиш отасини —
Кўриб қолишга бир кун,
б-и-р кун кечиккан бола!

* * *

Фитна, ғавғосидан дор ухламайди...
Неча тул, етимлар зор ухламайди.
Ҳаттоки илонлар ухлайди қишда,
Лекин қўш оёқ бу мор ухламайди.

* * *

Биби Малокатдан туғилган эрман,
Хом сут ҳам эммаган бандаман, ерман...
Сендан ком бўлмади қари онамдек,
Дунё, бешиндирман, ҳамон бешиндирман![2]

1. Ғафур Ғуломдан.
2. Сут эммай ўсганлигига ишора.

ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Бугунги кунда чет эл адабиёти билимдонлари, ўқимишли мухлислар бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг номини тез-тез тилга олишади. Ўнлаб романлари дунёга машҳур бўлиб кетган бу адибнинг "Алхимик" номли асари "Жаҳон адабиёти" журналининг шу йилги илк сонида таниқли олим Озод Шарафиддинов таржимасида босилган. Ўқувчилар журналнинг "Наср" рукнида мисрлик адиб Саъдулла Ваннуснининг "Филингиз, аъло ҳазратлари..." номли ривоятини (Мирпўлат Мирзо таржимаси) ҳамда ёш ўзбек ёзувчиси Шойим Бўтаевнинг "Ҳисомиддин ал-Ёғий" ҳикояси билан танишадилар.

"Шеърият минтақалари" бу гал сизни Куба оролига чорлайди. Умумий "Бундан гўзал Ватан йўқ" сарлавҳаси остида кубалик машҳур шоирлар Хосе Форнарис, Хос Марти, Банифасио Бирне, Нирта Анерре ва Фина Гарсиа Маррус ижодидан намуналар ўқиймиз. Шеърларни Файзи Шоҳисмоил таржима қилган.

Таниқли шоир Жуманиёз Жабборов "Ҳайрат олами" деб номлаган бадиасида умрнинг мусаффо тонг палласи — болалиги, кўрган-кечирганларини хотирлайди.

"Филологик роман китобда ёзувчи яратган образларни эмас, балки ёзувчи қолдирган изларни кўради", деб ёзади А.Генос "Қалб фотографияси" мақоласида. Филологик роман табиатига доир бу мақола ва М.Бақоеванинг америкалик шоира Эмили Дикинсон ижодига доир тадқиқоти ҳамда шеърларидан намуналар журналнинг "Адабий танқид" рукнида берилган.

Ўрта Осиёдан етишиб чиққан олимлар томонидан жаҳон илм хазинасига қўшилган ҳиссанинг, тор доирадаги мутахассисларни ҳисобга олмаганда, кўпинча умумий мулоқотлардан иборат бўлиб қолишининг сабаби нимада? Бу ҳолатни тузатиш учун қандай чоралар кўриш лозим? Таниқли олим Абдулла Аъзамнинг "Ўрта Осиё илмий мероси: истифода муаммолари" мақоласида шу ҳақда мулоҳаза юритилади.

Шунингдек, сиз "Жаҳон адабиёти"нинг январ сонида Морис Дрюннинг "Шато-Гайар асираси" романининг илк қисми ва Н.Бобохўжаеванинг "Фозил Искандарнинг янги қаҳрамони", Ж.Абдуллахоновнинг "Мувозанат"ни ўқиб" мақолалари билан танишасиз.

ТЕБРАНИШЛАР СИЛСИЛАСИ

ШОИРГА ХАТ

Қадрли Усмон ака!

Сизнинг "Куз" ***(Усмон Азим "Куз", Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001)*** номли китобингизни ўқиб чиқдим. Мен уни "Куз" номли китоб эмас, "Куз китоби" деб атагим келди. Бугунги кунда сўз спекуляцияси байроғини баланд кўтариб, обрў орттиришга шошилаётганлар ҳисобсиз. Илло, шоирликка даъвогарлар сони ўзбек тилининг луғат бойлигидаги сўзлар миқдоридан ҳам кўпайиб кетди. Кимдир қирққа, кимдир олтмишга кириб қайсидир ташкилот ё фирма ҳисобидан "тайёр шоир"га айланмоқда. "Тайёр шоир" — айёр шоир ўзини ҳар мақомга солиб, адабиётдан шон-шуҳрат ва обрў-эътибор тамаъ қилиш билан овора. Баҳоси фалон сўм, навоси икки тийин бўлган китоблар дўконларнинг пештахталарида касодга учраган таннозлардай ўзини ҳадеб бозорга солиш билан машғул. Қатор-қатор шеърлар уёқда турсин, қатор-қатор достонларни тақвим варағига қараб қалаштириб ташлаётганлар кўп.

Бир куни ўзимга таниш бўлган бир амалдор одам ишхонамга келди. "Мана, элликдан ошиб, биз ҳам шеърлар ёза бошладик. Яхши бир китоб чиқармоқчиман. Ўқиб кўринг қани", — деб столимга бир даста шеърларини қўйди. Мен унинг учта-тўртта шеърларини ўқиган бўлдим. Шунда бир гурунг ёдимга тушди. Эсингиздами, бундан ўн йилча аввал Сариосиёдан бир жамоа хўжалиги раиси келиб, бизни чойга чақирган эди. Сиз, мен, Сирожиддин Саййид Шукур ака бошчилигида "Турон" (ўша пайтда "Ленинград" деб аталган) меҳмонхонасига бордик. Гап орасида раис бобо кейинги пайтларда шеърлар ёза бошлаганини айтиб ўтди. Ва бу шеърларини "кўриб" беришини Шукур акадан илтимос қилиб, унга бир папка қўлёзмаларни тутқазди. Шукур ака "бошга бало бўлди-ку" дегандай истамайгина қўлёзмаларни олди ва биринчи шеърни ўқиб кўриб, папкани ёпди. Раис бобо: "Шукур ака, бошқаларини ҳам ўқиб кўринг, бу ерда уч юзга яқин шеър бор. Ўқинг қани", — деб қисталанг қилди. Шукур ака эса раснинг кўзига тик қараб: "Мен шеърларингизни ўқимай туриб, уқдим. Уларнинг ҳаммаси бир... Бў-майди!" — деди.

Мен амалдор танишимнинг уч-тўрт шеърига кўз югуртирдим. Ўша ҳаммага маълум дийдиёлар-у, ҳаммани бездириб юборган қайтариқлар.

— Хўш, энди бизга қандай маслаҳатлар берасиз? — деди у амалдорга хос виқорли оҳангда.

— Майли, сизга бир-икки маслаҳатларим бор, агар олсангиз.

— Нимага олмас эканмиз, энди бизнинг ишлар ҳаваскорнинг ишлари-да, — дея у менинг бердиган маслаҳатларимни ёзиб олиш учун ён дафтарини олиб, бўш варағини очиб, ялтироқ авторучкаси билан ёзишга чоғланди. Мен маслаҳатларимни бирма-бир айта бошладим, у эса, ёзиб ола бошлади.

— Энг аввал қулолларга борасиз. Қулолларнинг ҳам зўри бўлсин. Яхши бир кўза ясатасиз, кўза қадимий кўзаларга ўхшасин ва ҳажми катта бўлсин, — танишим шеър ёзиш ва китоб чиқаришнинг бундай қоидалари ҳам бор экан-да дегандай, ўз бошлиғининг кўрсатмаларини ёзиб олаётгандай жиддий масъулият билан маслаҳатларимни сўзма-сўз ёзиб борарди, — Кўзани қўлга олганингиздан кейин ўзингиз яшаётган тумандан баланд бир тепаликни топасиз ва унинг энг юқори қисмидан уч-тўрт метр келадиган чуқур ковлатасиз. Сўнг ёзган шеърларингизни кўзага солиб, оғзини мум билан маҳкамлаб, кўзани чуқурга кўмиб ташлайсиз...

Менинг маслаҳатларим шу ерга етганда, танишим ёзишдан тўхтаб, хохолаб кулиб юборди. У очиққўнгил, танти одам эди.

— Мен овора бўлиб ёзиб ўтирибман-а, — у ўзини кулгидан тўхтатолмасди, — шуни очиқ айтиб қўйсангиз бўлмайдими, бу шеърларинг ҳеч нарсага ярамайди деб.

— Балки яраб қолар... Келажакда кимдир кўзани топиб олса, қанча ваҳима-ю, шов-шув кўтарилишини тасаввур қилиб кўринг. Не-не зўр шоирлар қолиб кетиб, авлодлар сизнинг қўлёзмаларингиз билан шуғулланадилар. Ҳа, майли ҳазиллашгим келди-да, ака. Ҳар ким ўзининг қўлидан келадиган ишни қилса яхши бўларди. Мана, сиз ўз соҳангизнинг яхши мутахассиси, дейлик, сизнинг вазифангизга мени олиб бориб қўйишса, эплай олармидим?..

— Топиб айтдингиз. Маслаҳатларни ҳам ўринлатдингиз. Туманимиздагилар ёзган нарсаларимни мақтаб ҳол-жонимга қўйишмайди. Бошқаларни-ку, қўяверинг, лекин шу соҳанинг мутахассислари, "ака, сиз яхши ёзасиз, китобни тезлатинг, китобни" дейишларига ўласизми?

Танишим мени тўғри тушунди. Лекин, ҳеч нарсани тан олмай, сохта шон тамаъида муҳаррирлар ва нашриётлардаги ходимларнинг бошини қотириб, жавлон уриб юрганлар қанча. Амал, обрў, изза учун шеъриятдан паноҳ излаш ёмон.

Ҳа, энди, айтдим қўйдим-да, гап бу ҳақда эмас. Бу ўткинчи нимарсаларга сўзимизни халачўп қилишдан фойда йўқ. Муҳими, бизнинг адабиётимизда «Куз» каби шиддатли, залворли, баланд китоблар пайдо бўлаяпти.

* * *

Асл шоир учун Сўз ҳаммол эмас. Билъакс, Сўз шоир учун устоздир. "Сўзни ишлатиш" деган ибора тўғри эмас. Чунки, шоирни Сўз ишлатади, уйғотади. Аслан, Сўз мўъжиза. Аммо, бу мўъжиза фақат ҳақиқий шеърдагина мукаммал намоён бўлади.

Бир қарашда шоир билан Сўз ўртасида азалий келишмовчилик бордай туюлади. Шоир билан Сўзнинг ошиқ-маъшуқлигида сув билан оловнинг бирлашуви бор. Бир қарашда, шоирнинг қалби нечоғлик латиф бўлса, Сўзнинг қаҳри шунчалик қаттиқ бўлади. Яна бир қарашда эса, Сўзнинг хусусияти кескин ўзгаради, яъни, Сўз — хокисор... Сўз тоғдай оғир, шунингдек, у ҳаводан ҳам енгил. Аниқроқ айтганда, Сўзнинг тўқсон тўққиз сифати бор. Шунинг учун ҳамки, қайсидир сўзбоз Сўзни ҳаммолдай ишлатаяпман деб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдаб юрса, қайсидир заҳматкаш ижодкор Сўзга устоз деб илтифот кўрсатади, қайсидир оловқалб унинг оташида Мажнундай ёнади. Охир-оқибатда, кимни танлашни Сўзнинг ўзи ҳал қилади. Шунинг учун ҳамки, "Сўзга садоқат" деган ибора шеър аҳли орасида қадрли. Шеър бу лафздир. Бекорга айтмаганлар "Лафзинг ҳалол бўлсин" деб. Ахир, Сўз қошидан кимлар ўтмади. Бу фикрлар менда сизнинг бир шеърингизни ўқиётганимда туғилди. У шундай якунланади:

Дунё нималарни этмоқда талаб?
Қуяр-у, ичади юмиб кўзини...
Ўзини асрайди шу тахлит. Ёраб,
Ёлғон қўшилмаган
Сўнги сўзини.

Шу пайтда кўнглимдан яна бир сатр жаранглаб ўтди: "Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл". Шоир билан Сўз ўртасида илоҳий шартнома бор. Бу шартномани бугун тузиб, эртага бузиб бўлмайди. Бу шартноманинг ижроси то рўзи маҳшар қадар давом этади. "Навоий ҳам ётар то рўзи маҳшар тарки хоб айлаб". Бу илоҳий шартнома фақат ҳақиқат қоидалари асосида ҳаракатда бўлади.

Бир пайтлар "Кузги қатл" деган филмни кўрган эдим. Қадимда Шарқ мамлакатларидан бирида олий жазо — ўлим жазоси фақат куз фаслида ижро этилади. Фақат кузда! Қийиқ кўзли, бақувват бир йигит айни баҳор боғи ўлимга ҳукм этилади. Қатл ижросига ҳали олти ой муддат бор. Йигит қандай бўлмасин, ўзининг бегуноҳлигини исботлашга, олий жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилиб, кўпдан-кўп режалар тузади. Атрофда баҳор. У қамоқхонанинг торгина ҳужрасида фикрлайди, азоб чекади, қочишга уриниб кўради. Атрофда сўлим ёз. Баҳор ва ёзнинг кунлари ва ойлари шиддат билан ўтиб кетаверади. Йигитнинг ягона илинжи — ҳаёт ундан тобора узоқлашиб бораверади, тақдир ҳукми ўлим эса тобора яқинлашиб келаверади.

Ниҳоят, куз келди! Бирдан вазият ўзгаради. Ўлимга маҳкум қилинган йигитнинг айбсизлиги исботланиб, уни озод қилишга қарор қиладилар. Бироқ, йигит энди ҳаётга эмас, балки ўлимга тайёр эди. У орадаги олти ой муддатда ўзини ҳаёт билан боғлаб турган барча ришталарни узиб ташлаган эди. Балки, бу ришталарни Куз узиб ташлагандир. Нечоғли рутубатли азоблар ва машаққатлар, қайғулар ва аламлар билан кутилган Кузнинг ўзи сездирмасдан уни ўлимга тайёрлаган эди. Куз унинг устидан ҳукм чиқарди. Ҳукумат жазосидан озод этилган йигит энди яшай олмаслигини билади ва ўз жонига қасд қилади, у Куз ҳукмига бўйин эгади.

Чуқур-чуқур боқди оламга,
Минг бор ўлиб кўрган одамдай.
Шундай қилиб тугади эртак.

Кузда ҳамма ҳақиқатлар юзага чиқади. Бу — табиат қонуни. Бу оламда ҳамма нарсанинг ўз кузи бор. Ҳамма ўз кузини кутади.

Учсанг қирқ йиллик йўлдир
Юрсанг қирқ минг йиллик йўл...
Эртакнинг кўзлари ҳўл.

* * *

"Бу нима?" демайман дарахтга — бу ким?", "Шашмақомнинг даштида умр борар эгиб бош", "Эшигини очиб қўйди бир куни қафас", "Шамолларда куз ғуссаси", "Чорбоғлар бир қўрқинч сезгида ҳайрон", "Чексиз ҳувиллади кўнглим даласи"... Булар тирик сатрлар, уларда табиат ва ҳаёт бор. Ҳар бир сатрда паришон ва сертуйғу бир ҳолат, ғамгин, лекин ойдин бир кайфият, нурли ва ҳассос бир манзара намоён бўлади. Энг муҳими бу сатрларда дарахт ҳам, қафас ҳам, дашт ҳам, Шашмақом ҳам, умр ҳам, чорбоғлар ҳам — ҳаммаси тирик. Улар билан дардлашсанг, ҳасратлашсанг бўлади. Чунки, бу ерда сўзлар тирик. Ҳа, шеърнинг вазифаси ўликдан тирикни чиқариш, хунукдан гўзалликни топишдир.

Мен бу сатрларни китобингиздаги ҳар хил шеърлардан териб олдим. Қарангки, уларни изма-из териб кўрсам яна бир ўзига хос шеър ҳосил бўляпти. Нимага шундай? Ахир, бу сатрлар мавзу, оҳанг, мазмун, образ жиҳатидан бошқа-бошқа шеърлардан олинган-ку? Сабаби, сатрлар ичидаги оҳанрабо уларни бир-бирига тортади. Айнан шу нарса тартибсизлик ичида ҳам уйғунлик ва мувозанатни сақлаб қолади.

* * *

Инсонни умрининг беғубор фаслларида, болалик ва ўсмирлик йилларида ўз ички шеърияти бошқаради. Менимча, бу фасллар ҳаммада шундай кечади. Бу ерда гап шеър ёзиш ё шеър ёдлаш ҳақида эмас. Гап шеърни билмасдан шеърнинг ўзи билан яшаш ҳақида. Айнан умрнинг ўша мусаффо фаслларида бола ё ўсмирнинг кўнглида яшаётган туйғулар ва орзулар, гўзал кечинмалар ва ёруғ қаяжонлар ёзилмай қолган шеърлардир. Бу ҳар кимнинг ўз ички шеърияти. Лекин, йиллар, турмуш ташвишлари ана шу шеъриятни емириб боради, гоҳо бутунлай маҳв этиб юборади. Теваракатрофнинг олағовур машмашалари, мол-мулк васвасаси, нафс ғавғолари, тамаъ, маломат ва шунга ўхшаш қуюнлар ичида қолган чорасиз инсон ўзининг ички шеъриятини унутиб, фақат ташқи ҳаётини ҳимоялаш билан овора бўлади. Бу ҳолат сизнинг:

Севги — гуллаган боғ.
Қайғу — йўқ.
Фақат осмон...
Келиннинг қўйлаги — оппоқ,
Куёвнинг қўйлаги — оқ —

деб бошланадиган шеърингизда жуда яхши тасвирланган. Мен бу шеърда турмушнинг майда-чуйда ташвишлари ва икир-чикирлари билан олишаётган ўша ички шеъриятни кўрдим. Инсонда тириклик бор ва тирикчилик бор. Турмуш бор ва ҳаёт бор. Турмуш ҳаётнинг бир бўлаги бўлиши мумкин, лекин ҳаётга турмушнинг бир бўлаги сифатида қараб бўлмайди. Биз-нинг асримизда турмуш мен ҳаётман деб бонг уриб, одамларни ўз қобиғига ўраб ташлаяпти ва тириклик фақат тирикчиликдан иборат деб ўқтираяпти. Лекин инсон қачон бўлмасин, барибир ўз ички шеъриятига қайтишга мажбур. Зеро, тирикчиликнинг ўзи тириклик эмас. Ҳеч бўлмаганда, у ўлим онларида ўз ички шеъриятини излаб қолади. Бунга одамлар ҳам қўникиб қолган. Йўқса, одамлар ўлим олдидан айтилган сўзнинг ҳеч қачон ёлғон бўлмаслигига бу қадар қаттиқ ишонмасдилар. Дарҳақиқат, ҳар қандай аблаҳ кимса ҳам ўлим олдидан ёлғон гапирмайди. Инсон турмушдан юз ўгиролмайди, лекин унга таслим бўлган тақдирда ҳам, ўз ички шеъриятини сақлаб қолиши керак.

* * *

Инсон, табиат, худо — бу учлик оламнинг ибтидоси ва интиҳосининг моҳиятидир. Китобдаги аксарият шеърлар худди шу буюк учликнинг руҳий муносабатларини образли талқин этади. Инсоннинг ҳар бир руҳий кечинмаси бевосита табиат ва худо билан боғланади. Шеър ҳам ана шу юксак нуқтада яралади. Марина Цветаева айтганидай: "Мен ҳеч қандай адабий оқимни тан олмайман, мен инсоний оқимни сезаман". Келинг, бу ўринда, яхшиси, сизнинг шеърингиз гапирсин:

Баҳслашмайди одам.
Қарайди.
Деразада сентябр.
Дунё лим тўлгандир
Парвардигор билан.

* * *

Сизнинг "Куз" китобингизда бизнинг ҳаётимизнинг ҳамма тебранишлари, руҳий тантаналар-у, руҳий фожиалар акс этади. Бугунги кунда "китобингизни ўқидим" деган гап бор, ҳар қалай. Лекин китоб билан яшаб кўриш керак.

Мен сизни "Куз" билан қутлайман!

Шу билан гапларимни тугалламоқчи эдим, лекин икки сатр дилимда айланаверади. Бу икки сатр сизники, шу билан бирга ҳамманики, одамман деган ҳамманинг кўнглида шу дард бор:

Гарчи менинг юрагим ярим —
Унга керак бир бутун худо.

Ҳурмат билан Эшқобил ШУКУР

Маҳмуд ТОИРОВ

МЕНДАН МЕНИ СЎРАМА

ЎЗГА УЧУН...

Ҳар афсона остонасида
Бир ҳақиқат гуллаб ётади.
Жодугарлар тошойнасида
Ёлғонини пуллаб ётади.

Гул рангида кўрсанг дунёни,
Ғунчалардек хушрўй боққайсан.
Нур рангида кўрсанг дунёни,
Гугуртсиз ҳам чироқ ёққайсан.

Бу дунёнинг томи кўп баланд,
Излаганинг пойингда ётар.
Кимлар учун янги тонг отса,
Кимлар учун сўнгги кун ботар.

Гар яхшилик йўлдошинг бўлса,
Ёдинг билан яшар одамлар.
Қиш поёнлаб, кўкда кун кулса,
Қордан қўрқмай гуллар бодомлар.

Бу дунёнинг бозорларидан
Нима топдинг жонингдан ортиқ.
Бу дунёнинг мозорларида
Кимга қилдинг жонингни тортиқ.

Ўзга учун яшадим дема,
Хуш кўрмагай яратган Эгам.
Биздан ўзни рози кетсин деб,
Яралган-ку бу кўҳна олам.

СЎРАМА

Мен тошларнинг тилиман,
Мен кўнгилнинг гулиман,
Бу дунёнинг гилиман,
Мендан мени сўрама.

Тиллоси йўқ бой надур,
Эгилмаса ёй надур,
Сув оқмаса сой надур,
Мендан мени сўрама.

Офтобга эргашмасанг,
Ер билан йиғлашмасанг,
Тиғ билан тиллашмасанг,
Мендан мени сўрама.

Сен етмаган йўлдаман,
Сув кирмаган чўлдаман,
Бир майсаман, дўлдаман,
Мендан мени сўрама.

Ҳар дарёнинг боши бор,
Ҳар кўзнинг ўз ёши бор,
Ҳам табибман, ҳам бемор,
Мендан мени сўрама.

Тўкилмасам тўлмайман,
Қор қўйнида гуллайман,
Мен шунчаки ўлмайман,
Мендан мени сўрама.

Кундан тунни сўрама,
Қўрдан кулни сўрама,
Мендан дунё сўрайвер,
Мендан мени сўрама.

ДЎСТИМГА САВОЛ

Бойлик бахтнинг бошимикан,
айт,
Бойлик кўзнинг ёшимикан,
айт,
Бойлик тақдир тошимикан,
айт,
Билсам, сендан сўрамас эдим.

Кулиб чиқиб, йиғлаб ботар кун,
Тунда қайда ухлаб ётар кун,
Олов бўлмас нега ҳар учқун,
Билсам, сендан сўрамас эдим.

Тилим бунча узунсан, айттин,
Дилим бунча маҳзунсан, айттин,
Онам дейди: ёшимга еттин,
Билсам, сендан сўрамас эдим.

Ўзингда йўқ оламда йўқми,
Лек ўзингдан, айт, кўнглинг тўқми,
Юрак қайдан оларкан чўғни,
Билсам, сендан сўрамас эдим.

Сувдек сероб бўлмоқ не ўзи,
Бахтдан бетоб бўлмоқ не ўзи,
Қандай шароб шоирнинг сўзи,
Маҳмуд, билсам, сўрамас эдим.

* * *

Кун ўтар, аслида бурда нон бўлса,
Эл ичра қаддинг тик
чимдим шон бўлса,
Барчаси топилгай бош омон бўлса,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Кулиб кўришсангиз, кўзлар ёришгай,
Юз йил умр тиланг, юзлар ёришгай,
Хуш ният янграса сўзлар ёришгай,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Бахтим боқий, деган беклар кетдилар,
Эгилиш билмаган тиклар кетдилар,
Чиройда дунёга кўрклар кетдилар,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Сувга ташна одам булоқ топгандек,
Тунда адашганлар чироқ топгандек,
Мезбон меҳмонига зар тўн ёпгандек,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Яхшилик ярашар ёмонларга ҳам,
Омонлик ярашар осмонларга ҳам,
Хуш боқинг кун боттан томонларга ҳам,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

Бахт излаб келганмиз асли дунёга,
Бахт тилаб кетайлик биз ҳам дунёга,
Маҳмуд, таваллолар қилиб Худога,
Омонлик тилайлик бир-биримизга.

ҚУВОНЧ

Набирам Муаззамга

Орзулар кўзида жилмайган зиё,
Қартайган қувончга тутилган асо,
Жоним жарангида, эй янги наво,
Яратган бизга ҳам айлади карам,
Боболик бахтини берган набирам.

Йўлларингни кутиб толганди момонг,
Аллани соғиниб қолганди момонг,
Сени қўлларига олганда момонг,
Аллага айланди бу кўҳна олам,
Момолик бахтини берган набирам.

Бағрим баҳорида очилган ғунча,
Куртак кулгусидек ширинсан бунча,
Онанг минг тўлғонди қундек кулгунча,
Бизни қутлаганлар биздан-да хуррам,
Шодлик шаробини тутган набирам.

Ой бизга эгилди, қайрилди қуёш,
О, мулки малагим, о, жажжи дилдош,
Ширин бўлар экан севинч тўккан ёш,
Кулбамиз сен билан қасрдан кўркам,
Сен асли кўнглимиз кўрки набирам.

ЎТИНЧ

Мени осмонларга олиб чиқмангиз,
Қуруқ ноғорани чалиб чиқмангиз.
Менинг кўнглим ерда, товоним ерда,
Осмондан уялиб қолмайин яна.

Менга амал эмас, ошиқ дард беринг,
Шеърнинг шаробидан чимдим гард беринг,
Ерда майса билан яшагим келар,
Райҳондан уялиб қолмайин яна.

Ерда онам яшар, болам яшайди,
Отам қабрин қучган
нолам яшайди.
Онадан қарзини узган бормикан,
Виждондан уялиб қолмайин яна.

Қонимда ошиқлар исён қилади,
Жонимда қўшиқлар
гирён қилади.
Шайтон ишвасида
жаннат кўрсатманг,
Раҳмондан уялиб қолмайин яна.

Онам дедим, Момо Ерга юкундим,
Кўз ёш бўлдим, яна унга тўкилдим.
Ҳовучим тўлдириб буғдой берди у,
Сомондан уялиб қолмайин яна.

Мен ердан кузатган
жоним, офтобим,
Мен ердан термулган
ойим, моҳтобим.
Осмонингиз ўзингизга буюрсин,
Иймондан уялиб қолмайин яна.

Мени осмонларга
олиб чиқмангиз,
Чиқсангиз сиз ердан
нолиб чиқмангиз.
Худонинг олдида, ернинг олдида
Инсондан уялиб қолмайлик яна.

“Устоз” жамғармаси мамлакатимизнинг илғор профессор ва ўқитувчиларининг чет элларда малака оширишларида катта таянч вазифасини ўтамоқда. Яқинда жамғарма гранти совриндорларининг навбатдаги гуруҳи Жанубий Кореяда малака ошириб қайтдилар. Қуйида уларнинг сафар таассуротлари билан танишасиз.

“МУСАФФО ТОНГЛАР” ЎЛКАСИ



Жанубий Кореяни Ўзбекистондан салкам 5 минг чақиримлик масофа ажратиб туради. Олти соатлик парвоздан сўнг “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га қарашли “Боинг” Сеул шаҳри яқинидаги халқаро аэропортга қўнди. Делегация аъзоларини Кореядаги Ўзбекистон элчихонаси ходимлари ва Кёнгбук университети вакиллари самимий кутиб олишди. Дастлабки қабул маросими “ДЭЎ моторс” ширкатида бўлиб ўтди. Шундан кейин махсус автобусда Тегу сари жўнаб кетдик. Бу шаҳарга қадар бўлган масофа 300 чақиримга тенг. Сеул денгиз соҳилида жойлашган бўлса, Тегу шаҳрига қадар барча ҳудудда баландлиги ўртача тоғлар ястаниб ётибди. Айтишларига кўра, бундан 30-40 йил аввал ана шу тоғларда дарахтлар деярли ўсмаган. Ҳукумат ташаббуси билан барча тоғларга арча ва турфа тоғ дарахтлари ўтқазилган. Ҳозирги кунда барча тоғлар дарахтзор билан қопланган. Кўзни қувнатадиган манзара!..

Йўллар текис ва равон, серқатнов. Автомагистрал умумий йўллар билан кесишмайди. Умумий йўллар унга айланма кўприклар орқали қўшилади. Бутун магистрал йўналиши махсус компьютер хотирасига киритилган: аксарият ҳайдовчилар мошинани ана шу компьютерлар ёрдамида бошқаришади.

14 январ куни кечқурун Тегу шаҳридаги Кёнгбук университетига етиб келдик ва магистрлар учун мўлжалланган ётоқхонага жойлашдик. Делегациямиз учун мукаммал сафар дастури ишлаб чиқилиб, хона рақамлари ва телефон рақамларигача ана шу дастурда ўз аксини топган экан. Умуман корейс миллатига хос сертавозелик, ташкилотчилик, аниқлик ҳамда уюшқоқлик ҳавас қилса арзигулик. Белгиланган дастур ва режага қаттиқ амал қилишади ва қайси шаҳар ёки университетга борманг, мутасаддилар умум ишига худди шахсий ишлари сингари виждонан ёндашишади.

Бизнинг сафаримиз талабаларнинг қишги таътил даврига тўғри келди. Шу боис ётоқхоналарда талабалар жуда кам. Қишки ва ёзги таътиллар анча узоқ давом этиб, бир йилда олти ой ўқилар экан. Шунинг учун талабалар билан яқиндан танишишнинг иложи бўлмади. Аммо ётоқхонадаги шароитга қараб, талабалар ҳаёти ҳақида фикр юритиш мумкин. Хоналари икки талабага мўлжалланган. Барча шароитлар, телефон билан таъминланган. Хонада туриб сиз нафақат ётоқхонадаги дўстларингиз, балки Кореянинг хоҳлаган шаҳри ва ҳатто дунёнинг исталган нуқтасига сим қоқишингиз мумкин. Шунингдек, қаватларда дарсхоналар ҳамда компьютер хоналари мавжуд. Компьютерлар интернет тармоғига уланган ҳамда улардан истаганча текин фойдаланиш мумкин. Ётоқ яқинида махсус ошхона бўлиб, унга талабалар махсус талон билан киритилади. Ундан ҳеч қандай ҳақ талаб қилинмайди.

Университет аудиториялари ва кутубхоналар ахборот технологиялари билан тўла таъминланган. Университетлар хўжалик туридан қатъий назар таълим вазирлигининг ўқув дастурига қатъий амал қилади. Давлат университетларига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ умумий харажатнинг кўпи билан 30-40 фоизини ташкил қилади. Асосий сармоя ҳомийлар бераётган маблағ ҳисобидан шаклланади. Ҳомий ташкилотлар университет етказиб бераётган малакали мутахассислардан манфаатдор. Корхоналар раҳбари даражасига кўтарилган собиқ талабалар ўз университетлари билан доимий алоқани сақлаб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турадилар.

Бозор муносабатлари талабаларнинг таълим олишига ҳам кенг жорий қилинган. Уларнинг аъло ўқиши ҳар томонлама рағбатлантирилади. Бу турли шаклларда амалга оширилади. Масалан, аълочи талаба ўқиш учун тўланадиган ҳақдан (ўқиш ҳақи давлат университетларида 1500 дан 3000 АҚШ долларигача) тўла ёки қисман озод қилинади, аълочи талабага давлат томонидан нафақа тайинланади, янада яхши ўқиган талаба Овропа ва Американинг етакчи олий ўқув юртларига университет ҳисобидан юборилиши мумкин. Шунингдек, яхши ўқиган талаба ётоқхона билан таъминланади, ётоқхона тўловларидан озод қилинади. Мамлакат талабаларининг 43,5 фоизи давлатдан бирор шаклда моддий ёрдам олади.

Талабаларга қизиқишига қараб фанларни танлаш имконияти берилган. Аммо улар тўрт йил бакалавриатда ўқиш мобайнида белгиланган асосий фанларни ўзлаштиришлари шарт. Фанларни ўзлаштиролмаганлар талабалар сафидан чиқарилмайди. Ў фанини қайта ўқиб ўзлаштиради. Аммо қайта ўқиш учун талаба қўшимча пул тўлаши керак. Бундан ташқари, йирик сармоядор ширкатлар аъло ўқиган талабаларни ўз ташкилотларига юқори маошли ишларга танлаб оладилар. Бу аълочи талабанинг кейинги ҳаёти ҳам моддий жиҳатдан тўла таъминланишини англатади. Ана шу иқтисодий омиллар талабаларни аъло ўқишга ундайди.

Университет профессор-ўқитувчилари ҳам жонбозлик билан ишлашлари учун барча шароитлар билан таъминланган. Профессор дастлаб икки йиллик шартнома асосида ишга қабул қилинади. Кейин бу шартнома тўрт йилга, сўнгра беш йилга узайтирилади. Шартнома муддати ошган сайин профессорнинг даражаси ва мавқеи ортиб, маоши кўтарилиб боради. Профессорнинг дарси талабалар томонидан яширин баҳоланиб, интернет тизими орқали юборилади. Агар бирор фаннинг ўқитилиши қуйи баҳоланадиган бўлса, университетда ўша фандан сабоқ бериш тўхтатилади. Натижада мазкур фаннинг мутахассиси ишсиз қолади.

Университетларда ректордан бошлаб барча лавозимларга раҳбарлар сайлаб қўйилади. Ҳатто хусусий олий ўқув юртларида ҳам шу тартиб жорий қилинган. Ишончни оқламаган раҳбар кейинги сайловдан ўта олмайди.

Жанубий Корея университетларига хос яна бир жиҳат шундаки, талабалар биринчи босқичга қабул қилинганда, бирор факультет, бўлим ёки кафедрага мўлжаллаб эмас, умуман университетга қабул қилинадилар. Биринчи босқичда барча талабаларга ҳамма учун мажбурий бўлган фанлар, жумладан ижтимоий-инсонпарварлик фанлари ҳам ўқитилади. Иккинчи босқичдан бошлаб талабалар қобилияти ва қизиқишига кўра ихтисосликка бўлиниб муайян фанларни ўрганишга киришадилар. Шу даврдан бошлаб ҳар бир талаба ўз соҳаси бўйича профессорларга бириктириб қўйилади. Талаба университетни тугатгунча шу профессор раҳнамолигида ўқийди ва унинг талабаси ҳисобланади.

Жанубий Корея иқтисодий ва техникавий жиҳатдан анча тараққий топган мамлакат. Корейс файласуфлари бу тараққиётнинг бош омили руҳ, қалб ва жисмнинг уйғунлигида, деб билишади.

Тағин Жанубий Корея тараққиётининг муҳим омили интизомли, ишчан корейс халқи ва давлат юргизаётган аниқ ҳамда мақсадли сиёсатнинг натижасидир. Ҳозирги кунда мамлакатда давлат томонидан ишлаб чиқилган “Кибркорея — XXI” дастури амал қилмоқда. Ана шу дастур натижаси ўлароқ Корея ахборот технологиялари бўйича дунёда етакчи ўринга чиқиб олган. Ҳозирги кунда мамлакатда 46 милён аҳоли яшайди. 2001 йилнинг охирига келиб 24,38 милён аҳоли интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлган. 54,3 фоиз ўз уйида интернет тармоғига эга. Мамлакатдаги барча мактаблар давлат томонидан текин интернет тармоғига эга.

Мамлакатдаги 500 йирик ширкат бевосита ахборни етказиб бериш тижорати билан шуғулланади. 30 милён аҳоли эса уяли алоқа хизматидан фойдаланади.

Жанубий Корея тараққиёти дастлаб енгил саноатни ривожлантиришдан бошланган. Янги завод ва фабрикаларда малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Бунинг учун мамлакатда таълим тизими ислоҳ қилинган ва ривожлантирилган. Таълим соҳасига зарур маблағлар сарфланиши ва таълимнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланиши Жанубий Корея тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатда иккинчи босқичда оғир саноат ривожлантирилган. Бизни оғир саноатнинг бугунги аҳволи билан таништириш мақсадида POSCO металлургия ширкатига олиб боришди. Жанубий Кореяда темир руداси мавжуд эмас. Ширкат хом ашёни четдан, Австралия ва Канада каби олис мамлакатлардан олади. Қиммат таннарх шароитида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, пўлатнинг асосий қисми чет элларга экспорт қилинади ҳамда юқори фойда олинади. Ишчиларнинг ўртача 5-7 минг АҚШ доллари миқдорида маош олиши ширкат олаётган катта фойданинг далилидир. Завод дарвозасининг пештоқида: “Заҳираларимиз чекланган бўлса-да, имкониятларимиз чекланмаган”, — деган шиор битиб қўйилган.

Биз “LG Elektronics” ширкати фаолияти билан ҳам танишдик. Бу ерда меҳнат конвейер усулида ташкил қилинган. Мураккаб вазифаларни замонавий роботлар бажаради. Корхонада бир кунда турли ҳажм ва экрандаги 12 мингта ойнаижаҳон йиғилади ҳамда маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинади.

Жанубий Корея урф-одатларида кўплаб ўзига хослик мавжуд. Корейслар ана шу ўзига хосликни сақлашга ҳаракат қилишади ва бундан фахрланишади. Улар Овропо ёки Америкага мослашишга ҳаракат қилишмайди, аксинча четдан келган меҳмон уларнинг урф-одатларига ҳамда таомларига мослашиши лозим. Миллий ресторанларга оёқ кийим ечиб кирилади. Хонтахта атрофида, бир кишига мўлжалланган кичик кўрпачаларда ўтириб овқатланилади. Таомнинг асосий қисмини сабзавотлар ва денгиз маҳсулотлари ташкил қилади. Қайнатилган гуруч нон ўрнига ўтади. Нон ва нон маҳсулотлари деярли истеъмол қилинмайди. Шунингдек, гўшт маҳсулотлари ҳам кам тановул қилинади. Бир кило гўштнинг нархи ўртача 20-60 АҚШ долларига тенг. Балиқ маҳсулотлари сирка билан ишлов берилиб, хом ҳолича ейилади.

Жанубий Кореяда аҳолининг 40 фоизи шомонлик

ЮРГАН – ДАРЁ...

ҳамда буддавийликка ва яна шунча қисми протестантлик каби динларга эътиқод қилади. Бундан ташқари, конфуцийлик эътиқоди ҳам мавжуд. Ҳозир мамлакатда ислом дини ҳам оммалашмоқда. Буддавийлик ва шомонликка кўпроқ аёллар эътиқод қилишади. Протестантлик Кореяга японларга қарши озодлик курашининг рамзи сифатида Америкадан кириб келган.

Корейс олимларининг таъкидлашича, бутун корейс миллатида жами 280 та насл-насаб унвони мавжуд. Ҳар бир унвон бир уруғни англатади ва исмдошлар ўзаро қариндош саналади. Делегация таркибида Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг олимаси Лидия Павловна Югай ҳам бор эди. Жанубий Кореядаги Ю фамилияли бир олим Югайнинг ўзига қариндош эканлигини фахр билан таъкидлади.

Умуман корейс халқи ўзбек халқига катта ҳурмат билан қарайди. Бутун сафар жараёнида Марказий Осиёга мажбурий кўчирилган корейс халқини ўзбеклар ўз бағрига олиб, бошпана берганлиги чуқур миннатдорчилик билан эслаб турилди. Делегациянинг Кореядаги саёҳатига раҳбарлик қилган профессор Цойнинг таъкидлашича, у дастлаб бу ишга раҳбарлик қилишни хоҳламаган. “Кечқурун, — дейди у, — онам менга ўзбек халқи ҳақида, унинг корейс халқига кўрсатган меҳрибонлиги хусусида батафсил ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин мен бу ишга рози бўлдим. Сизлар билан яқиндан танишишим натижасида, мен онамнинг

айтганлари нақадар тўғри эканлигига амин бўлдим. Агар сизларнинг Кореяга сафарларингизда ҳамроҳлик қилмасам, кўп нарса йўқотишим мумкин эканлигини ҳозир англаб турибман”. Бу юракдан айтилган самимий сўзлар эди.

Барча учрашувларда Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилиги таъкидланиб, яқин келажакда Ўзбекистон Корея билан бир сафда дунё майдонига чиқиши ҳақида тилаклар билдирилди.

Анвар ЯХШИЕВ, Уктам МАВЛОНОВ,
тарих фанлари номзодлари

Душанба 14.04

«Ўзбекистон» телеканали

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 14 апрель куни «Ўзбекистон» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Тўртинчи хокимият».
16.00 ТВ клип
16.10 «Камила». Телесериал.
16.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
17.00 ТВ анонс.
17.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Қизилқум»- «Нефтчи».
17.55 ТВ маркет.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Япония: Буюк тадбиркорлар». Ҳужжатли телесериал премьераси.
18.55 Мумтоз наволар.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 **2003 йил - Обод маҳалла йили.** «Кўпчилик каторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.30 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
22.50 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

Профилактика муносабати билан душанба, 14 апрел куни «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 14.55дан бошланади.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 ТВ-анонс.
15.35 Спорт салтанати.
15.55 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм.
17.15 Минг бир ривоят.
17.20 «Янги авлод» почтаси.
17.35 «Анпанман». Мультсериал.
18.00 Йигит омон бўлса....
18.15 Далил ва шарҳ.
18.30 ТВ-анонс.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.00 Дийдор.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлокдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида — 0.00 «Давр».

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.50 «Avto-news».
20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 1-2 сериялар.

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 Мультфильм.
17.15 «Евроньюс» янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ
17.30 «Машҳурлар: Ринат Дасаев».
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Сўнгги қаҳрамон-3». ЎзТВ–IV
21.40 «Бизнес-ревю».
21.45 «Санъат музейи». Ҳужжатли фильм.
21.55 CFI тақдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».
22.50 «Ахборот» (рус тилида)

Сешанба 15.04

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00, 12.00, 14.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Арабелла — қароқчи қизи». Бадиий фильм.
11.30. Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.00 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.50 «Кўпчилик каторида».
15.10 Мусиқий танаффус.
15.20 «Камила». Телесериал.
15.50 «Баркамол авлод орзуси».
16.10 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.10 «Тафсилот».
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Насаф» жамоалари учрашуви. «Пахтакор» марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида - ЯНГИЛИКЛАР
19.20 «Репортаж».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиёсат оламида».
21.25 ТВ клип.
21.35 **Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.30 «Солиқ ва биз».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Анпанман». Мультсериал.
9.55 Бизнес академия.
10.10 ТВ-анонс.
10.15 Саломатлик сирлари.
10.35 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли сериал.
11.25 Кинотақдим.
11.45 «Гвадалупе». Телесериал.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 Интерфутбол.
14.25 ТВ-анонс.
14.30 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
14.55 Қишлокдаги тенгдошим.
15.15 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
15.45 Дийдор.
16.05 «Бўрилар ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Жажжи гўзал».
17.20 «Анпанман». Мультсериал.
17.45 ТВ-анонс.
17.50 Таянч.
18.10 Замона ёшлари.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Давр-интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Момо ер». Маърифий фильм. 1-қисм.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: «Нокаут».
23.35 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «ТТВда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Химоя».
19.25 «Ижод қирралари».
19.40 «Ҳамшаҳарлар».
20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хотира». Н. Аҳмедова.
22.45 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 3-4 сериялар.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Жонли табиат».
17.00 «Мультсеанс».
17.15 «Евроньюс» янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ
17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 А. Пугачева «Муҳаббат эртаги».
20.00 «Время».
20.40 «Узга ҳаёт». Сериал. ЎзТВ–IV
21.45 «Бизнес-ревю».
21.50 «Азиз инсонлар».
22.10 «Муз zone».
22.25 FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
22.35 Кинематограф. «Оқим». Бадиий фильм.
0.10 «Ахборот» (рус тилида)

Чоршанба 16.04

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Соз сеҳри».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Отни ким эгарлайди?» Бадиий фильм.
11.40 «Баркамол авлод орзуси».
12.05 Болалар учун. «Фламинго».
12.25, 13.55, 15.25 ТВ анонс.
12.30 «Солиқ ва биз».
12.45 «Спорт, спорт, спорт».
13.00 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Сиёсат оламида».
14.30 «Остонаси тиллодан».
14.50 «Иқтидор». Интеллектуал ўйин.
15.30 «Лоф уришга ким уста?» Мультфильм.
15.40 Мусиқий танаффус.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Кўнноқ шаҳарча». 2. «Болалар ва катталар».
18.10 «Дунёқараш».
18.30 «Умид». Телелотерея.
19.00 «Олтин мерос».
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси олдидан.** «Парламент вақти».
21.25 ТВ клип.
21.35 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камила». Телесериал.
22.05 «Санъат дўстликка чорлайди». М. Раззоқова.
22.30 «Биринчи рицарь». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.30 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Жажжи гўзал».
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 Давр-интервью.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 Тараққиёт уфқлари.
10.40 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли сериал.
11.30 Таянч.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 «Гвадалупе». Телесериал.
12.50 Далил ва шарҳ.
13.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1. «Нокаут» 2. Теннис.
14.10 Болалар экрани: «Мультфоша».
14.25 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
14.55 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.20 Замона ёшлари.
15.40 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
16.05 Йигит омон бўлса....
16.20 Автопатрул.
16.40 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
17.55 «Анпанман». Мультсериал.
18.20 Кафолат.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўхна оҳанглар.
19.50 «Давр»-репортаж.
20.00 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.25 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм. 7-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кўхна оҳанглар.
22.55 «Жўнатилмаган мактуб». Бадиий фильм.
0.20 Футбол плюс.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.10, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Тошкент». Манзарали фильм.
19.0 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус)
19.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
20.0 «TV мадад».
20.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «Нима учун?»
21.40 Кинонигоҳ. «Есения». 1-қисм.

«Халқаро» телеканал

9.15 Кўрсатувлар тартиби.
БИРИНЧИ КАНАЛ
9.20 «Лаззат».
9.35 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».
10.15 «Кумуш шар». Н. Варлей. ЎзТВ–IV
11.00 «Т. Полонская билан бирга».
11.20 «Ишбилармон кишилар».
11.40 «Покахонтас». Мультфильм.
12.05 «Сирасини айтганда».
12.45 Болалар соати: «Буратино». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.50-14.50 «Дўстлик» видеоканали: «Саҳий хонадонда», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
БИРИНЧИ КАНАЛ
15.55 «Йил қушиқлари. Баҳор». ЎзТВ–IV
17.00 «Евроньюс» янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ
17.10 «Йил қушиқлари. Баҳор».
17.50 «Ким миллионер бўлишни истайди?»
18.55 «Сўнгги қаҳрамон-3».
20.00 «Время».
20.30 Жеки Чан «Қойилмақом» комедиясида.
22.25 Тото Кутуньо, Н. Кадишева, Лолита, Аль Бано, Лайма Вайкуле Кремлдаги «Сан Ремо» концертида.
ЎзТВ–IV
23.45 «Ахборот» (рус тилида)

Пайшанба 17.04

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Кўнноқ шаҳарча». 2. «Болалар ва катталар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Портретга чизгилар».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Мулкдор».
12.45 «Озод юрт одамлари».
13.05 «Санъат дўстликка чорлайди». М. Раззоқова.
13.30 «Ким ҳақ?» Телевикторина.
14.10 «Парламент вақти».
14.30 Кундузги сеанс: «Болажон қиз». Бадиий фильм.
15.45 «Меҳр қолур».
16.05 «Камила». Телесериал.
16.35 Енгиндан сақлаш хизмати ходимлари кунига. «Олов — тилсиз ёв».
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 Бир жуфт кўшиқ.
18.20 «Ҳиммат».
18.35 «Умр мазмуни».
18.55 «Репортаж».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулокот.
21.45 ТВ клип.
21.55 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камила». Телесериал.
22.25 «Бир умр ҳамрохим». Спорт дастури.
22.45 «Биринчи рицарь». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.45 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».
9.35 «Анпанман». Мультсериал.
10.00 ТВ-анонс.
10.05 Спорт-қитъаси (рус тилида)
10.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
10.50 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли сериал.
11.40 Кафолат.
12.00 «Гвадалупе». Телесериал.
12.40 Ёшлар овози.
13.00 Интерфутбол.
14.40 Сийрат.
15.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.25 Болалар экрани: «Мультфоша».
15.40 ТВ-анонс.
15.45 «Ақлдан оздирадаган ўйинлар». Сериал.
16.10 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Шохсупа», «Боланинг тили».
17.45 «Анпанман». Мультсериал.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр».
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Мутолаа.
20.05 «Момо ер». Маърифий фильм. 2-қисм.
20.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.40, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бегойим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт: «Интерфутбол». Танаффус пайтида — 0.00 Давр.

«Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.0 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Навниҳол».
19.30 «Гўзаллик оламида». Телевизион фильм.
19.40 «Камолот фасли».
20.25 ТТВда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.45 Кинонигоҳ. «Ой нури агентлиги». 7-8 сериялар.

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ
6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.15 «Евроньюс» янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ
17.30 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Кулгу хонаси».
19.45 «Ассалом, Франция!»
20.00 «Время».
20.40 «Узга ҳаёт». Сериал. ЎзТВ–IV
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Юқори технологиялар олами».
22.00 «Соккер клуб».
22.20 **FCN Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)**
22.30 Кинематограф. «Тунги поезд». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)я

Жума 18.04

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Химмат».
10.20 «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.
11.50 Мусиқий танаффус.
12.05 «Инсон ва қонун».
12.25 «Интизор». Видеофильм.
13.30 ТВ анонс.
13.35 «Олам». Телеальманах.
14.10 Телемулоқот:
14.50 «Кўнноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
15.50 «Депутат».
16.05 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Қиқир, қиқир, қиқир». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.35 «Нурли манзиллар».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт кўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.45 ТВ клип.
21.55 **«Ўзбекистон» каналида илк маротаба:** «Камила». Телесериал.
22.25 «Олтин бешик».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот-дайжест».

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Шохсупа», «Боланинг тили».
9.55 «Анпанман». Мультсериал.
10.20 ТВ-анонс.
10.25 «Давр»-интервью.
10.40 «Сув ости экспедицияси». Ҳужжатли сериал.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 Мутолаа.
12.05 «Гвадалупе». Телесериал.
12.45 Бегойим.
13.05 Интерфутбол.
14.45 ТВ-анонс.
14.50 «Рей Брэдбери театри». Сериал.
15.15 Кўли гул уста.
15.35 «Бўгдойзорлар оралаб». Бадиий фильм.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 Ўйна, болажон, ўйна.
17.05 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Савол беринг — жавоб берамиз».
17.45 «Анпанман». Мультсериал.
18.10 Аскар мактублари.
18.30 Ҳуқуқ ва бурч.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқл

УЙЛАНИШ

ХАЖТОМА

Зойир ЗИЁТОВ

Анчадан буён таниқли қизиқчи Худойберди Зиётовдан хабар ололмай юриб, бир куни атайлаб қидириб бордим. Борсам уйида невараларидан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Катта отамиз курортга кетган, — дейишди улар.

Ё тавба, деб ўйладим, бу янгилик-ку, бир умр чўпонлик қилиб юриб, бор-йўғи қистов билан бир марта Тошкентга олиб борувдим. Ҳалиги, балет театри, хоккей томошасига киритганим эсимда. Бу, курортга бориш ташаббуси кимдан чиқди экан?

— Катта оталаринг курортдан келса, мана бу телефон рақамига қўнғироқ қилиб, менга хабар беринглар, Худойберди акам келиб кетди, сизга салом айтди, денглар, — деб қайтиб кетдим.

Кўп ўтмай қишлоқдан қўнғироқ бўлди. Отахон дам олишдан қайтиб, элга ош бераётган экан.

Йўлга отландим. Отахоннинг суҳбатини ҳам соғиниб қолган эдим-да ўзи. Узоқ йўл эмасми, қишлоққа кириб борганимда қош қорайиб қолганди. Кўпчилик келиб-кетиб, даврада отахоннинг тенгдошлари, суҳбатдошлари қолган, гурунг авжида.

Менинг келганимни етказишди, шекилли, бир зумда ўзи қаршимга пешвоз чиқди.

— Э-э-э-э, улум Худойберди! Қайларга жўғолиб кетдинг. Сенам бировди соғинишди биласанми ўзинг? Мен сени излаб тополмасам, изламаган жерим қомади-ку, болам, — дедилар.

Озгина ўпка-гина билан қучоқлашиб кўришдик. Бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашгунимизча бир лаганда ош олиб келишди.

— Э-э-э-э, улум, — деди отахон яна, энг яқинларига гапириб юрган оҳангда, — сен мендан жаширинг журганингдан бери ҳам анча воқт ўтди. Кўп қизиқ ҳангамалар бўлди.

— Қизиқ ҳангомаларингизни, ўзингизни соғиниб, илгарироқ ҳам келиб кетган эдим.

— Хабарим бор, сен олдингга қўйган ошди жегин-да, чой ич, мени жанғи ҳангомаларимди эшитаман десанг, сўзимди бўлма.

— Гап битта, — дедим мен, — лекин курортга борганингиз ростми ўзи? Ҳеч ишонгим келмади, ўтган сафар Тошкентга борганингизда "курорт" десам оғиз очирмагандингиз-ку, шунга ҳайронман.

— Қарияларди жилидан хабаринг бордир, — деб ҳикояни бошлади отахонимиз, — каттаконимиз қарияларди дувосини олай дедима, бир куни курортга борасиз, деб қолди.

Кўп жўл журдик, улар айтканданам кўпроқ журдиг-ов, лекин қош қорайганда курорт деган жойига жетиб келдик.

Ҳаммамизди бир катта золга қамади. Ойланасига жумшоқ ўтирғичлар қўйғон. Шулорғо ҳаммамиз чарчаб ўтирдик. Бировлар мулгибам олди, менам озгина мулгиб олдим-у, лекин бошқаларга мулгиганимди билдирмай, жош чўпонлардай тутиб турдим ўзимди.

Ўртоликда бир жошгина қиз бола, келганларди отасини отини айтиб чақира бошлади, чақирилганлар иккитаси бир бўлиб, учтаси бир бўлиб биттадан калит олиб тарқала бошлади. "Эргашев" деб мени ҳам отамди отини айтиб чақирувди, бордим. Қўлимга калитти тутқазиб, шошмай туринг деди-да, яна "Эргашева" деб бир кампирди чақирди. "Бирга келганмисизлар" деб сўровди, кампир мендан олдин "бирга келдим" деб қўйди. Иккаламизга бир хонани айтувди, мен "Э-э, десам", "Э-э, деманг, ҳар биринг-изга биттадан хона беролмаймиз-ку, ҳар иккитангиз, учтангиз бир хонада турасизлар", деди ҳолиги қиз.

Мен бир нарса дейишга қўрқиб, ҳа, журинглар хонамизга дедим. Бу кампир ҳам бир ўзи келишга қўрққонма, битта небарасиям бор жонида. Хонамизга кирсак, иккита карават боракан, уям унча каттамас, бир киши зўрға сиғади. Бошим қотиб, кўп ўйлаб қолдим, илгари бировлар курортга бориб келганларини айтиб, ҳаммани кулдириб жотарди. Шуларди ўйлаб кетдим, буларди тартиби шундай экан-да, деб ҳолиги қизга яна бориб, бу кампир менинг кампирим эмас дейишга қўрқдим, буларди тартибини бузип қўймайин яна дедим. Ҳеч жерди кўрмаган, қолоқ бир чолакан демасин деб, уялдим.

Кампирга, небара билан бирга жотиб турингглар, деворга қараб тескари жотинглар, мен бир айланиб келай қани, силар ухлоғондан кейин келиб жотарман, деб чиқиб кетдим.

Курорт дегани яхши бир жой экан, дорахтлари кўп, ўтлари қуриб қомаган, ўзи ҳам товди олдида экан. Чўпонлигим эсимга тушиб, чопонимди жерга, ўтти устига тўшаб, жонбошлаб жотиб кўзим илинибди, яна кўзимди очмаси тонг отиб қопти.

Хонага қойтиб кесам, кампирам небараси минан жувиниб, ўзига қараб уяғбуяғини тузатиб турғанакан. Кампир деганим бундай қарағанда унча кампиргаям ўхшамайди. Ишқилиб, аялминан кампирди ўрталиғидаги хотинга ўхшайди.

— Эрталаб турсам жойингизда жўғалаб обкансиз, бошқа жерда жотиб келяпсизми? — деди кампир.

Гапларим мени гапларимга ўхшайди, "же"лаб гапиради, шуниси менга жақди пичи.

Эрталаб овқат берайкан, овқат жойиға бордик. Ҳар бала овқат бор, аравачада овқат ташийдиганлар об келаверади, сен жейвирасан. Золда одам кўп, ҳаммага шунча овқатти қайрдан жетказа-р а-кан булар, бир кун жемасанг, икки кун жемасанг, бу овқатларди, яна, пулам тўламасанг, шунисини тушунмай, кўбини отини мен ҳам билмайдиган овқатларди жеб қоринди тўйғоздим.

Овқатдан кейин ҳар қойсимизди, ҳар жойга даволашга бўлиб ташлади. "Менга воннага тушасиз", деди ҳалиги телевизорда чиқадиган қизга ўхшайдиган қиз. "Воннанг нима?", десам, "чўмилиш" — деди. Кеча уйдан чиқаётганда катта лаганда чўмилиб кеганман, десам ҳам қўймайди.

Хуллас, вонна деган жайга жеталаб обборди-да, битта курсини кўрсатиб шу жерда ўтириб туринг, хонадан одам чиқса, ўзингиз кирасиз, ичкарида, хонада лунги бор, уни тақиб оласизда, сув тўлдирилган воннага кириб жотасиз, деди ҳалиги қиз.

Кўп ўтмай хонадан бир ўрис кампир чиқди, ҳалиги қиз айтганди қилдим. Кампир чиққан хонага тез кирдим, бировлар кириб қўймасин, дедим-да. Хонада ҳалиги қиз айтган лунги турган экан, менга озгина кичкина келди, шундай бўлса ҳам бир бало қилиб кийиб олдим-да, айтган воннасига кириб жоттим. Бу, вонна дегани бизлардаги лаганди каттаси бўлар экан, фақат ранги оппоқ. Суви иссиққина, жонинг жашнаб, ўзинг бир паста жашариб кетасан. Сувига бир балолар соғанма?

Бир пайт эшик шарақлаб очилиб, бояги ўрис кампир келиб, тепамда бир нималар деб, шанғиллаб, ҳалиги мен кийган лунгига жопишса бўладими!

Эй, бетовфиқ, уятинг борма, жопишма менга, қитиғим келяпти, десам ҳам фақат "исними" дейди. Гапингга тушунмаяпман, ўзбекча гапир десам ҳам яна лунгига жопишиб "не шути, исними" дейди. Оччиғим келди, шўтиймайман ҳам, иснимайман ҳам, тегинма бу курортти лунгиси, қўлингди торт, дедим.

Шу вақт шовқиндан шу ерда хизмат қиб журган бир қиз кириб қолди. Эркаклар лаганда чўмилаётган жерда эркаклар хизмат қилмайдими, ахир? Ё тартиби шундайчамикан? Бор қизим бир эркагингди чақир, манови бетовфиқти мендан ажратиб осин, дедим. Бир жигит дарров кирди, шу жерда пойлаб турғанма? Буни гапини тушунтир, айт — менга жописмасин десам, кампирминан бир балоларди чуғурлашиб, сўнг хо-холаб кулади, гапираман дейди-да яна кулади. Кулма, ахир, улум, мен куладиган аҳволда эмасман десам, отахон бу кампирди калгуткасини нега кийиб олдингиз деб, яна хо-холайди. Калгути нимаси, билмадим...

Кийимларимди кийиб ҳалиги жигитга "Бир уқалағич топиб бер", дедим.

— Хўп, юринг, — деб иршаяди-да — ўзи сизга уқалағич нимага керак, кампирингизни ўзингиз минан олиб юрибсиз-ку, кечқурунлари уқалатмайсизми у кишига, — дейди.

— Э-э, улум, нима деяпсан, қонақ кампирим, у мени кампирим эмас, кампирим жўқ бўлганига жетти жил бўғон, — дедим.

— Унда бировди кампири билан нимага бир хонада жотибсиз? — дейди.

— Жотқаним жўқ бировди кампириминан, тошқарида жотиб чиқдим кечаси, — десам қорнини ушлаб хо-холайди.

Бировди кампириминан бир хонага қомаб қўйиб, яна нимага куласан, эй бола десам, отангизни оти Эргашевми? — деди. Эргашев, десам, кампирнинг отасининг оти ҳам Эргашева-ку, сизларни эр-хотин деб бир хонага жойлаштиргандир-да, нега тушунтирмадингиз уларга? — дейди.

— Гапиришга қўймади ҳалиги телевизорда чиқадиган қиз. Жур менминан, хонамди бўлак қиб берасан, — деб хонамизга борсак, кампир небараси билан ўтирган экан. Бизларди эр-хотин деб бир хонага жойлаштирган экан, асли эрингминан кесанг жахши дам оладиган жойакан десам, "Эрим жўқ бўғаниға беш жил бўғон бўса қандай қилиб келаман эримминан?", дейди кампир. "Жесирмисан?" десам, "Жесирман", дейди. Менам жетти жилдан бери жесирман, дедим. Кампири қурғур ҳали ҳам шўхлиги босилиб бўмаганакан чоғи "Чаппа қораб жотсангиз — шу жайда жотаверсангиз ҳам майли, бизар ҳам небарамизминан деворга қараб жотаверамиз", деб ҳазиллашади қурғур.

Шу десанг, журагимди бир жери жиз этди, хонамди бошқа қиб чиқиб кетдимда, улларимди чақиртирдим, уларга бор гапни айтиб бердим, жетти жил кампирсиз қийинчилик кўриб журганимди ўзлари ҳам билиб журайиди, шекилли, мақсадимди тез пойқашди.

Улларим менданам чоққон чиқишди, ўртага одам қўйиб, аввал кампирдан, кейин уни болаларидан розилик олиб, курортдан қайтсам одамларди чақириб, ош дамлаб, муллони чақириб, никоҳимизди қийиб, бизларди эр-хотин қилиб қўйишди.

Ҳозир сен жиятган ош — шу тўйдинг оши, улум, — дейди отахон оғзи қулоғида қулиб. — Бу тўй қориялар жилининг туҳфаси бўлди менга.

* * *

Отахоннинг ўтган йилги саргузаштини қоғозга тушургунимча баҳор ҳам келиб қолди. Янги ҳангомани "ШЧ" чойхўрларига илиндим.

Интермедия

СОҲИБ ВАҚТ ЕЙДИГАН ОЗАР

Катта бир идоранинг олди. Асад чеккароқдаги курсида ўтирибди. Биқинида портфел. У асабийлашиб дамба-дам соатига қарайди.

Очил кўринади. У Асаднинг ёнига келиб томоқ қиради. Ҳазиллашади.

ОЧИЛ. Соатингиз неча бўлди, тоға? *(Асад ошнасини кўриб илжаяди)*

АСАД. Кампир қувлайдиган вақт бўлди, бобо! *(Улар қучоқлашиб кўришадилар)*

— Э, бормисан, жўра! Бир улфат тополмай гаранг бўлиб ўтирувдим. Сени худо етказди.

ОЧИЛ. Сўфи азон айтмай нима қилиб ўтирибсан? Ҳали хўжайиннинг келадиган вақти бўлгани йўқ.

АСАД. Сен қаёқдан биласан?

ОЧИЛ. *(Керилиб)* Биламиз-да. Биз жаноб Бегалиевни кутиб олавериб, кузатиб қўявериб, пишиб кетганмиз. У киши эртага курортга кетаяптилар. Кеча дала ҳовлида базми жамшид бўлган. Бошлари оғриб, бемалол келади.

АСАД. Э, шунинг учун экан-да, менга соат ўнга бир келиб кетинг, дегандилар.

ОЧИЛ. Олиб келдингми?

АСАД. Мана, бир йиллик отчётни олиб келдим...

ОЧИЛ. Вой, пишмаган хом калла-я! Бегалиев бу қоғозларингга бурнини ҳам артмайди *(паст товушда дейди)*. Соат ўнда келинг, дегани, ўн минг обкелинг, дегани. Мана, менга соат ўн бешга келинг, дедилар. Ўзимизнинг қизилдан бир дастасини етаклаб, турибман. Тушундингми, овсар?

АСАД. Тушунмадим... Шунча қизилини ё кўкини қайдан топаман?

ОЧИЛ. Топасан. Молингни сотасан, машинангни сотасан. Ходимлардан йиғасан, қарз оласан, ишқилиб соатни ўн қиласан. Бўлмаса, жойни бўшатасан. Энди, тушунгандирсан, аммамнинг бузоғи!

АСАД. *(эсанкираб)* Ҳм... тушундим... Соат ўнда... кўкидан ўн дона... Унда мен ғир этиб божамникига бориб келай. Заправкада ишлайди. Қора кунга асраб қўйгани бордир, қарзга сўраб тураман.

ОЧИЛ. Тез кел! Мен ҳув анави ерда чой ичиб ўтираман. Асад — Бегалиевни ясат! *(Асад кетади.)*

Қабулхона. Котиба қиз ўзига оро бериб ўтирибди. Асад билан Очил киради. Очил котибага хушомад қилади, шоколад беради.

ОЧИЛ. Озодахон, жанг бошланганми дейман, а?

КОТИБА. *(кулиб)* Ҳм, бошланди.

ОЧИЛ. Рингда ким экан?

КОТИБА. "Гулистон"нинг раиси Юнусов.

ОЧИЛ. Ў-ҳ! Юнусов ўлгудай қурумсоқ. Докадан сут, пашшадан асал тилайди. Тоза калтак ейдиган бўптида. Нокаут бўлиб кетмаса бўлгани... Қани, бир мўралай-чи. *(Очил эшикни қия очиб, ичкарига мўралайди. Кабинетда Бегалиев билан Юнусовнинг даҳанаки жанги бўлаётир)*

ЮНУСОВ. Хўжайин, шофёрларнинг олдида бетим қолмади. Тиланчига ўхшаб, ҳаммасидан минг-мингдан йиғиб чиқдим. Бор бўлса, сиздан аярмидим...

БЕГАЛИЕВ. Сенда инсоф йўқ экан асли. Бултур ҳам соат бешда келувдинг. Мана, бу йил соат ўн десам, саккиз ҳам қилмай келибсан.

ЮНУСОВ. Соат саккиз ҳам ёмон эмасу, хўжайин, бир сафар хўп, дейқолинг...

БЕГАЛИЕВ. Ҳов, сен қанақа ғалчасан ўзи! Бунинг ҳаммасини бир ўзим емайман, билдингми? Бегалиевдан нима томар экан, деб ўтирган қанча очофат бор!

ЮНУСОВ. "Чўз-чўз" кўпайиб кетди-да, хўжайин. Пожарнийга, молияга, СЭСга чўз, песга чўз... Шу кунларда ўзим ҳам чўзилиб қолай, деб юрибман.

БЕГАЛИЕВ. Бўпти, соат ўнда эмас, бор тўққизда кела қол.

ЮНУСОВ. Саккиз ярим, денг, хўжайин.

БЕГАЛИЕВ. Э, мунча паст бўлмасанг, мижғов! Бор-е, топган соатингда кел!..

ЮНУСОВ. Раҳмат, раҳмат... *(У чиқади.) (Бегалиев ёлғиз. У қоғоз-қалам олиб, ўлжани ҳисоблаб ўтирибди.)*

БЕГАЛИЕВ. Ҳм... Жами 34 соат бўлибди. Чакки эмас. Ялтада 15 кун ётиб туришга етади. Гуляхонни ола кетсаммикан. Ке, қўй, унда катта чиқим бўлади. Хотин яхши. Нима олиб берсанг, кўнаверади. *(Телефон жиринглайди.)*

— Алло! Ким? Мавлонов? Қайси Мавлонов?.. *(Бирдан бўшашиб, ўрнидан туради.)* Узр, узр, Жавлон ака! Сиздай акамизни танимай ўлибманми? Лаббай? Соат нечага борай? Соат ўн бешга? Бир оғиз гапингиз. Соат йигирмага десангиз ҳам, хурсанд бўлиб борамиз-да, акажон. Хўп, хўп... *(Гўшакни қўяди)*

Оббо! Оғзимдаги луқмани тортиб олди-я, ебтўймас! Аранг 234 соат қилувдим, унинг ҳам ярми қулоғини ушлаб кетай, деб турибди. Шуни айтар эканлар-да, мен қиламан ўттиз, эгаси қилади тўққиз, деб... *(Бегалиев даста-даста пулларни ажратар экан, сўкинади.)*

Тешиб чиқсин! Тиқилиб ўл! Кафанлигингга ишлат илойим! Уф! Сен очкўздан қачон қутиламан, а?

С.ҚАРНОҚЛИ

ШИНАВАНДА

ХАЖТОМА

Бозор дарвозаси ёнидаги овоз ёзиш хонасига бир чол кириб келди.

— Келинг, отахон, — деди мўйловли йигит, — марҳамат, ўтиринг.

Чол курсига аста чўкди, нафас ростлади, кейин эшик тепасида вағиллаган карнайга ишора қилди:

— Иложи бўлса, анавининг жағини сал тийиб турасанми?

Йигит бир тугмачага қўл урди, товуш пасайди.

— Отангга раҳмат-е...

Йигит чой қуйиб узатди.

— Баракалла, болам! — деди қария чойни симириб.

— Тағин кетадими, отам?

— Бўлади. Асад-да, асад. Кеча қирқ икки, дейишувди. Бугун ҳам ёнаяпти ҳаво, ўзинг қалайсан, шоввоз? Димоғинг чоғми?

— Раҳмат, отам. Мана, ўтирибмиз, ўтган-кетганнинг ҳожатини чиқариб...

— Сенда ҳар хил артистларнинг овози бор дейишади, шу ростми?

— Рост. Сизга қанақаси керак? Эски қўшиқларданми ёки замонавийларидан-ми? Шер бор, Муножот бор...

— Йў-ўқ, менга, ҳалиги войдод солиб, бақириб-чақириб турадиганлари бору, ана шунақасидан керак.

— Мана шуниси маъқул. Пули қанча бўлади, йигит?

— Э, сизга сув текин, отам! — деди сотувчи кулиб, — кампиршо билан бир зарубежнийсидан эшитгилари келиб қолибди-да, а?

— Бе-е, — деди чол, — бу қўшиғингни бошимга ураманми? Бизга бунинг шовқуни керак. Тўртта ҳусайним бор эди, чумчуқ сира қўймаяпти. Ишкомга илиб қўяман.

— Вой, отахон-ей, эстрадний демайсизми, жаз, Майкл Жексон... Ҳозир қараймиз-да.

— Қани, ўша жаз-пазингни қўй-чи, ўзим эшитиб кўрай.

Йигит кассеталарни бир чеккасидан қўйиб, чолга эшиттираверди. Ниҳоят, оқсоқол қовун танлагандек, битта кассетани четга ажратди.

***Ва яна ўша Қиличингиз, яъни* НУРМУҲАМЕДОВ**

ЧОЙХОНА ДАФТАРЛАРИГА

Ассалому алайкум!

Мен ким, Норқизил Ҳусан ўғли Чиялий валломат, бурун ҳам Сиз билан борди-келдимиз бўлгани ҳамда сафар тараддусида турганим сабабли ушбу орқали барча кўрган-кўз ва ёру биродарларга саломлар йўллашдан мамнунман. Аввалги номаларда хабар берганимдек, падари бузрукворимиз Ҳусан билан бир қоринда талашиб дунёга келган Ҳасан ҳам бўлиб, у киши Энасой томонда "деҳқончилик қилишга бел боғлаган ва ўша ёқдаги сариқ соч сулувларнинг бири билан ёстиқдош бўлиб қолган. Уларнинг ўғли сибирлик чечамизнинг раъйига қараб Евгений деб аталган. Памилияси эслида Ҳасанов бўлса-да, чеча бизни чалғитиш мақсадида гувоҳномага Сазанов ёздирган. Мен амаки билан қўйма-қўй, яъни ёшимиз тенг. Устига-устак яқинда у "Жубулей қиляпман..." деган хабар жўнатди. Мен сафар тараддусига тушдим. Йўл-йўлакай Тошкенту азимда ҳам тўхтаб, шу баҳонада осмонўпар кошоналарни кўриб ўтаман, деб эдим. Олдиндан айтиб қўяй. Пештоқи булутга тегиб турган меҳмонхоналарга иложим йўқ, негаки, тевадан пастга қараётганда бошим айланади. Яхшиси, "Шум бола чойхонаси"ни брун (бронь) қилганим маъқул. Алқисса, Тошпўлат Тажанг, Калвак Махсум каби пирларимиз авлодлари бўлмиш Уста Гулмат, Матмусо, Меливой Ғирвон каби биродарларим билан тўрт оғиз гурунг қилиш ниятим бор, деб бормоқ босувчи — ЧИЯЛИЙ.

Чиялийнинг мирзоси:
Қилич НУРМУҲАММАД

Чиялийнинг иккиликлари:

Тутганингга дема насибам бутгил,
Етим-есир ҳаққини қолдириб юттил.

Украинага пахта экар Кучма,
Украинага пахта экар, кўчма!..

Бурунғилар дер: Экканингни ўрасан,
Бугунгилар дер: Уруғга ҳам қуясан.
(Экология)

Қўл уролмас инсон, тикон дер,
Қўй жонивор тили билан ер.
(Янтоқ)

Индамасанг лойга боттанча қоттай,
Чиқариб қўйсанг-да қайтадин боттай.
(Бебурд)

Эплаган тузар,
Билмаган бузар.

Меъёридан ошган сабр
Келтирар баъзан жабр.

Пишиқ ғишт паст терилар,
Хом тепада, керилар.

Ўмарадиган бир ўғри,
Ваҳимада минг тўғри.

БОҚИЙНОМА. *Шум болажоним! Тўрт оғиз гаплашгим бор эди, хаёлимда икки оғизгина бўлди. Иккаламизнинг кўнглимиз тўла қолсин, деб миттигина бир ҳангомани ҳам қўшдим. Ўша Қиличингиз.*

Дунё — кенг...

КЎЗДАГИ СЕҲР СИРИ

Ғарбий Чехиядаги бир қишлоқда яшаётган ёш аёл Ружена Докоупилова жуда қисқа фурсатда жаҳонга машҳур бўлиб кетди.

Бу ёш аёл фавқулодда ноёб қобилиятини пайқаб қолди: у кўзини тикиб қараганда ҳар қандай қимматбаҳо ва сохта тошлар ўз рангини ўзгартиради. Бунинг учун Ружена тошчаларга уч-беш минут синчиклаб тикилиб турса кифоя. Шундай қилинганда одатдаги зумрад ўзининг яшил рангини ўзгартириб, мовий тусга, сариқ ва ҳатто қизил тусга кирди. Табиий гавҳар эса бир лаҳзада сарғайиб кетди ва кейин кукунга айланди. Яшилҳаворанг аквамариннинг ранги эса қуюқлашиб, қорайиб кетди.

Руженанинг тан олиб айтишича, ҳар гал ана шундай сеансдан кейин унинг боши қаттиқ оғриркан. Боз устига, бу аёл ўзининг ноёб қобилиятини ҳар доим ҳам намоён этолмайди. Унинг кўзидаги сеҳрли куч ҳар ҳафтанинг охирги кунлари — шанба ва якшанбада ўзини кўрсатаркан.

Ҳозирча чехиялик аёлнинг кўзидаги сеҳр сирини тушунтириб берадиган жўмард олим топилганича йўқ, деб ёзади Олмонияда чиқадиган "Ретсельхафте феноменс" журнали.

МАЙДА ЎҒРИЛАРГА МУНОСИБ ЖАЗО

Россиянинг Киров шаҳрида майда ўғрилардан зада бўлган супермаркетлардан бирида уларга қарши кураш олиб боришнинг ғаройиб усулини ўйлаб топишди. Қизиғи шундаки, бу усул тез-орада ўзининг самарасини бера бошлади.

Супермаркетнинг эшиги олдига катта қалин қоғоз илинган, қоғозга магазинга кириб ўғирлик қилганларнинг фотосуратлари елимлаб қўйилган. Ҳар бир фотосурат тагига алоҳида-алоҳида: "Бу аёл кофега пул тўлашни унутиб қўйган", ёки "Чўчқа ёғини чўнтакка урган", деган ёзувлар битилган. Супермаркетдаги қоровуллар ўғрини қўлга олишлари ҳамоно дарҳол уни суратга туширишади ва нимани ўмарганини аниқлашади. Бу ўзига хос тадбир натижасида супермаркетдаги майда ўғирликлар кескин камайган, муҳими, бир марта ўғирлик қилган кимса бу қилиғини қайта такрорламаган.

МУХБИР ФОШ ЭТИЛДИ

Свазиленд давлат радиосининг махсус мухбири Пхешея Дуба дунёнинг "энг қайноқ нуқтаси"дан етказиб турган хабарлари бир дақиқада фош бўлиб, шармандаликка юз тутишини хаёлига келтирмаган эди...

Ўтган ҳафта душанба куни, одатдагидай, Бағдоддаги махсус мухбир Пхешея Дуба уруш бораётган жойдан эшиттиришни тўғридан-тўғри эфирга узатаётганда, тингловчилар унинг Ироқда ўқ ёмғирлари остида эмас, балки ўз мамлакати пойтахти Мбабанда эканини хаёлига ҳам келтиришмасди.

Reuters агентлигининг хабар беришича, мухбирнинг ҳақиқатдан ҳам Бағдоддан эмас, балки мамлакат пойтахтидан туриб хабар тарқатаётганини свазилендлик депутатлар фош этишди. Бу мухбирни парламент биносида кўриб қолган депутатлар давлат ахборот вазиридан "мухбирнинг Бағдоддан эмас, балки бино ертўласида туриб бутун халқни лақиллатаётганининг сабабини ойдинлаштиришни" талаб этишди. Вазир бу муаммога ойдинлик киритишга ваъда берди.

Бироқ свазилендлик радиотингловчиларни бошқа бир нарса дарғазаб қилганди. Радионинг маҳаллий суҳандони Мосес Мацебула "Бағдоддаги ҳарбий мухбир"га саволлар бера туриб, ҳар гал унинг соғлиғига қайғурар, унга ғамхўрлик қилар, ҳатто уни "қанотли ракеталардан яширинiш учун бирор-бир ғорга бекиниши"ни тайинларди.

ГИННЕС ЖАЗАВАСИ

Гиннеснинг Рекордлар китобига кириш учун одамларнинг ҳар қандай амалларга қўл уриши сир эмас. Кейинги пайтда оғир юк машиналарини жойидан силжитиш урф бўлаётир.

Яқинда Австрия фуқароси Франц Мольнер ўзига хос жасорат кўрсатди. У арқон ёрдамида етмиш беш тонналик "Эрбас — 321" авиалайнерини 14,4 метрга силжитди. Бу воқеа, Австрия телекомпаниясининг хабарига кўра, Зальцбург шаҳар аэропортида бир неча юз томошабин кўз ўнгида амалга ошган.

Бироқ ҳарчанд чиранмасин, Мольнер бу тур бўйича олдин ўрнатилган рекордни янгилай олмади. 1996 йили Сидней аэропортида Дэвид Хаксли деган полвон бир қўли билан "Боинг 747-400" учоғини эллик метргача судраб борган эди.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Усмон МУРОДОВ
Саҳифаловчи — Комрон АҲМЕДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 327. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—5327